

ЎЗБЕК  
ХАЛҚ  
ИЖОДИ

ҚУП ТОМЛИК



---

ДОСТОНЛАР



**ЖОРХУН МАСТОН**

Айтувчи: *Қодир Раҳимов*

Езиб олиб, нашрга тайёрловчилар:

*Малик Муродов, Абдуолим Эргашев*

Булбул айрилмасин гулдан, адашмасин тўғри йўлдан, устозлардан ўрганган бир дoston, дoston оти Нуралихон, чортоқли Чамбилбелидан, отаси — Авазхон, бобоси — Гўрўғли султон, момоси — Юнус, Мисқол онаси — Узумкўз хиромон, ўн тўрт ёшли бек Нуралихон, илм олиб мулла бўлган, яғриниси кенг полвон, кокили елкага тушган, неча қизлар ошиқ бўлиб ақли шошган, отасидан зиёд бўлса-бўлар, кам бўлмас деб нечалар кетидан гап сотган, ўсар эди Чамбилда эсон-омон, илм берар эди домласи Хўжа Юсуфхон.

Гўрўғли Чамбилни обод қилган, икки юз мадраса қурдирган, Асқар билан Полапон тоғидан канал қазиб Чамбилга сув келтирган, саксон қубба қурдирган, ҳар қуббани олтиндан қўндирган, қирқта боғ қурдирган, ҳар боққа тўқсон турли гиёҳдан, ўттиз турли дарахтдан эктирган, қирқ боққа қирқ йигитнинг отини қўйган, ўзига ҳам бир боғ қурдириб, бу боғни Оға Юнус, Мисқол парилар боғи дер эди. Бу боғ тўртга бўлинар эди: бири Мисқол париники, бири Юнус ёрники, бири Гўрўғлининг ўзиники, бири Ғиротники эди. Ҳар бирининг боғи яна тўртга бўлинар эди: бири баҳори, бири саратони, бири тирамон, бири қишки боғ эди.

Шундай қилиб бек Гўрўғли доврўғи оламга кетиб, неча подшоларга етиб, улар Чамбилни оламиз деб лашкар тортиб, келгани қиличдан қочиб, Гўрўғли деса тош-тошга писиб, кунлар ҳам ўтиб кета берди. Гўрўғли ўзбек-туркман элини боқиб, очига нон бериб, тўқидан закот олиб ёта берди. Нуралибек ҳам мадрасада ўқий берди. Нурали ҳамма муллабаччалардан ҳам кўпроқ билар, устози уни ҳаммадан яхши кўрар, ҳар иш бўлса унга буюрар эди. Нуралихон ярим кунгача мадрасада ўқиб, қолган вақтларини бек Соқининг мактабида ўтказар, бу ерда от чопиш, қилич уриш, найзабозлик, мерганликни машқ қилар эди. Бек Соқи ҳам Нуралининг ҳамма болаларидан устунлигини, абжирлигини кўриб ҳайрон қолар, бир ўзи мингга келадиган баҳодир бўлади, дер эди.

Нуралихон бир кун и Хўжа Юсуфдан сабоқ олаётган эди, дарвозадан яна бир бегона муллавачча келиб, таъзим қилиб, салом берди. Хўжа Юсуф саломни олиб, кимнинг ўғли экани, қаерлик бўлиши ва нима учун келганини сўради. Шунда келган муллавачча жавоб бериб, бир сўз айтибди:

Уқимаган одам нодонга тенгдир,  
Сабоқ олмоқ учун келдим, устозим.  
Билганга бу дунё бебаҳо, кенгдир,  
Сабоқ олмоқ учун келдим, устозим.

Жойимни айтади газал Паҳлавон,  
Отамнинг отидир Ёқуб паҳлавон,  
Рухсат берган экан Гўрўгли султон,  
Сабоқ олмоқ учун келдим, устозим.

Тақсир, (сувлар) тома-тома кўл бўлар,  
Заҳар ҳам, асал ҳам билсам тил бўлар,  
Билим деган зар тувакли гул бўлар,  
Илм гули учун келдим, устозим.

Илм олдим, кўп илмни билмадим,  
Илмимга бирорта устоз кўрмадим,  
Сиздан ўзгаларни устоз демадим,  
Шогирдликка сизга келдим, устозим.

Мол-дунёни олдингизга тайлаини,  
Савол беринг, майли, жавоб айлаини,  
Илм учун муҳтождирман, найлаини,  
Илм учун бунда келдим, устозим.

Отим Ғани, ўзим ғани<sup>1</sup>, Ғаниман,  
Отам ҳам онамнинг жони-дилиман.  
Сизни, дедим, олис йўлдан келдим ман  
Шогирд бўлай, умид қилдим, устозим.

Бу сўзларни Хўжа Юсуф эшитиб, Гўрўглидан ёрли-  
ғинг борми, деди. Ғани ёрлиғини кўрсатди. Хўжа Юсуф  
бир қанча савол берди, Ғани эса жавоб айлади:

— Аввало айлаин мен сенга ҳиммат,  
Қандай фурсат одам учун ғанимат?  
Дунёда олтиндан нимадир қиммат?  
Муна саволимга жавоб айлагин.

— Устозим, айлангиз сиз менга ҳиммат,  
Дўстлар учун бир дам суҳбат ғанимат.  
Дунёда олтиндан китобдир қиммат.  
Билар-билмас, устоз жавоб айладим.

<sup>1</sup> Бой маъносида.

— Нима бўлар қушдан ҳам тез учади,  
Нима бўлар ер бағрини қучади.  
У нимадир қўрқмай сирин очади?  
Муна саволларга жавоб айлагин.

— Фикр бўлар қушдан ҳам тез учади,  
Булут бўлар ер бағрини қучади,  
У ойнадир одам сирин очади,  
Билар-билмас, устоз, жавоб айладим.

— У нимадир тирикликда ўликдир,  
У нимадир дунёда энг улуғдир.  
У нимадир ҳар нарсадан жуйрукдир<sup>1</sup>?  
Муна саволимга жавоб айлагин.

— Бемақсад одамдир асли ўликдир,  
Ўзи топиб еган нони улуғдир,  
Одам қиммат, ҳар нарсадан жуйрукдир,  
Билар-билмас, устоз, жавоб айладим.

Алқисса, Хўжа Юсуф Фани муллабаччани ҳар нарсадан синаб кўриб, ақлига ҳайрон бўлиб, уни билимдонликда Нуралибекча кўриб, қошига ўтирғизиб қўйди. Фани ҳамма муллабаччалар билан танишиб кетди, бек Нурали билан дўст бўлди.

Бир куни Нуралибек дўсти Фанини уйига айтиб борди, катта зиёфат бериб, тўн ёпиб юборди. Фани кетгандан кейин Нуралибекнинг опаси Гулнор укасига икки жумла сўз айтиб турибди:

Қариндошдан ширин бўлади тоға,  
Ранг-рўйингдан мендай опанг садаға,  
Арзимаган гапга хафа бўлмасанг,  
Бир сўзни айтайин, эшит, бек оға.

Сипоҳида, оға, дўстлик кўп бўлар,  
Пойлаб-пойлаб икки кўзга чўп суғар,  
Сипоҳи бўлолмас, бўлмаса заргар,  
Чертиб-чертиб дўст бўлсангчи, бек оға.

Ёшлигинда кўрдинг қанча зулми,  
Сенга қўшиб боғлаганда қўлимни,

<sup>1</sup> *Жуйрукдир* — югурик, илдам.

Аччиқ билма, оға, менинг тилимни,  
Мени десанг, дўстингдан кеч, бек оға.

Нуралибек бу сўзни эшитиб: «Эй опа, ҳар ким эканини ўради, сен қизсан-да, шунинг учун шумсан-да, Ёқуббекнинг ўғли бўлса, қаери кам?»— деди. Гулнор: «Бек — бекни кўролмайди, камбағалликка келмайди. Мен ҳам айтдим-да, ишқилиб эҳтиёт бўл»,— деб, қирқ хонали кўшикка қизлари билан кетди.

Кундан кун ўтди, ойдан ой ўтди. Бир куни Ғани туриб айтди:

— Эй, Нуралибек, шаҳарда юриб ҳам зерикиб кетдик, бедовларнинг белига минсак, кўлга йўл олсак, Ойдин кўлига қуш солсак, ўлжага устозларимизни, мулларни бир зиёфат қилсак, элга мерган бўлиб танилсак.

Бу сўз Нуралига маъқул тушди. Иккови Хўжа Юсуфдан уч кунгача жавоб олди. Ғани айтди: «Эй Нурали, Аваздай шернинг ўғли бўлсанг, Гўрўғлидай султоннинг юлдузи бўлсанг, минганинга яраша Ғиротни минсанг, олсак ҳам олар эдик, олмасак ҳам олар эдик». Нурали айтди: «Ғирот Чамбилнинг таанчи, уни бобом бермайди, бергани билан бек Соқи кўнмайди, отам олиб берса бўлади, лекин отам бормайди, бер демайди». Ғани айтди: «Фарзанд тошни эритар»,— деган гап бор. Сен чини билан отангга ялинсанг, албатта Ғиротни олиб беради».

Шунда Нуралибек Авазнинг ўрдасига кириб кетди. Хон Авазга салом бериб, бошини қуйи солиб, хафа бўлгандай бўлиб турди. Бунни кўриб бек Аваз: «Ҳой ёлғизим, сени ким хафа қилди, кимдан қандай таадди<sup>1</sup> ўтди»,— деб бир сўз айтиб турибди:

Осмонимда сенсан ёрғул юлдузим,  
Дарё бўлсам, сузадиган қундузим,  
Кимдан сенга қандай таадди ўтди,  
Не сабабдан хафа бўлдинг, ёлғизим?

Ол бедовлар оёғидан бойлансин,  
Тўй бўлганда оғир тойлоқ тайлансин,  
Мен тириман, кимдан ўтди таадди,  
Сен ёлғиздан мендай отанг айлансин.

<sup>1</sup> Таадди — алам.

Сен сўрасанг мен берайин боримни,  
Оёгинг остига сочай заримни,  
Ростингни айт, кимдан ўтди таадди,  
Майдов бўлса тикай танда жонимни.

Минганда ўйнайди араб пирогим,  
Ёнимда жарқиллар кескир жорогим,  
Дўст, душмандан қандай таадди ўтди,  
Тортинмай айтавер, ёлғиз чирогим.

Бўлар-бўлмас сўзга хафа бўлдингма,  
Ёки ўз элингда душман бўлдингма?  
Қандай элдан сенга ўтди таадди,  
Мунгайиб жонимни сўраб келдингма?

Нуралихон бу сўзни эшитиб, мийиғида кулиб, отасининг Ғиротни берарини билиб, Авазбекка қараб: — Ота, сендан бир бедовни сўрайман, шу сабабдан мен мунгайиб қарайман,— деб бир сўз айтиб турибди:

Ота, сендан бир бедовни сўрайман,  
Шу сабабдан мен мунгайиб қарайман  
Уч кунгача домуллам берди жавоб,  
Ойдин кўлдан сўна-сўқсур овлайман.

Ботир бўлса болаликдан билинар,  
Душман кўрса бирдан бағри тилинар,  
Бир бедовни ота, сендан сўрайман.  
Менга меҳринг, ота, шунда кўринар.

Дол бедовнинг мен белига минайин,  
Ўнг қўлимга олғир қушим олайин.  
Мен сўрадим, ота, сендан бир отни,  
Бек ота, мардлигинг бугун кўрайин.

Яхши сўз ҳам одам учун муродди,  
Ўғил фарзанд ота учун давлатди,  
Бир мартага олиб бергин ўзимга,  
Мен сўрайман табладаги Ғиротди.

Бу сўзни эшитиб, бек Авазнинг ақли житиб, икки қулоғи битиб, балки ўзидан кетиб: «Куйдирмагин менинг хону-монимни, Ғирот дема, майли сўра жонимни»,— деб бир сўз айтиб турибди:

Фарзандим, куйдирма кону-монимин,  
Садага айлайин бугун танимин,  
Мендан келиб тожу тахтим сўрагин,  
Бер, десанг, берайин танда жонимин.

Сен биласан, болам, Чамбил давлатди,  
Фироти Чамбилнинг сиин-симбати,  
Бер, десанг, берайин танда жонимни,  
Елгиз ўғлим, сўрамагин Фиротди.

Булбуллар шайдодир боғдаги гулга,  
Жон берсанг арзийди Чамбилдай элга,  
Елгиз ўғлим, сўрамагин Фиротди,  
Фирот кетса ваҳим келар Чамбилга.

Одамзоднинг олим бўлсин тоғаси,  
Сингли бўлсин, бўлсин ботир оғаси,  
Фирот кетса ваҳим келар Чамбилга,  
Шу Фиротдир осойишлик эгаси.

Ўзга элдан қарға, қузғун келмаса,  
Келган қузғун бу хабарни билмасма,  
Шу Фиротдир осойишлик эгаси,  
Сўнг Чамбилга бир фалокат бўлмасма?!

Эга келса тош иморат қулайди,  
Богбон бўлса сувсиз гиё гуллайди,  
Фирот кетса бир фалокат бўлмайди,  
Шунинг учун сўнгра Чамбил жилайди.

Кенганли тўн кенг келади, чирогим,  
Фирим билан элим менинг юрагим,  
Қилдай гуноҳ учун Чамбил йиғлайди,  
Майли, Мажнункўкни мингин, керагим.

Авазбек бу сўзни Нуралига айтди, Нурали эрка улди,  
кўнглига ботди. Билдирмайин деди, бўлмади, хўрсиниб  
кетди. Билмай қолди, икки кўздан икки томчи ёш кетди,  
юзини буриб, Авазбекка қараб: «Боғингда нозланиб тур-  
ган гулингдан, бир бедовни яхши кўрдинг улингдан»,—  
деб бир сўз айтди:

Нозланиб боғингда ўсган гулингдан,  
Бир бедовни яхши кўрдинг улингдан,



Ота деган ўгил бахши бўлмайма,  
Бир улингни кам ташладинг элингдан.

Умид қилган эдим, қаддим букилди,  
Кўнглимнинг гавҳари тутдай тўкилди,  
Бир ҳайвонни яхши кўрдинг улингдан,  
Нор гул эдим, баргларим қоқилди.

Сувдай тошсам, келган тошни билмасам,  
Тирик бўлиб сонда борман ўлмасам,  
Нор гул эдим баргларим қоқилди,  
Фарзанд бўлиб бир ҳайвонча бўлмасам.

Уч кун учун Чамбил вайрон бўлама,  
Чамбил деган шамол туртар қалъама?  
Фарзанд бўлиб бир ҳайвонча бўлмасам,  
Гавҳарим деб ота менга қарама.

Орқа товим карралигин<sup>1</sup> билмадим  
Ёруғимнинг зарралигин билмадим,  
Гавҳарим деб ота менга қарама,  
Бек отамнинг баққоллигин билмадим,

деб Нуралибек кўзидан ёшини тўкиб, ўзини ўзи сўкиб,  
жойидан туриб кета берди. Авазнинг ҳам юраги тушган-  
дай ақлидан шошгандай, юлдуз ботиб кетгандай бўла  
берди.

Фиротнинг сайиси бек Соқи, саксон тилла бир ойлик  
ҳақи, кулиб юборса гулли қоқи, сози суҳбатда подшолик  
ҳақи, қадам босиб, бир Аваз билан суҳбатлашиб келай  
деб келаётиб эди, Авазнинг кўшкисидан Нуралибекнинг  
кўзида ёш билан чиққанини кўриб, Нуралибекни ушлаб,  
кўнглини хушлаб, Фиротни бермаганини билиб, Авазга  
қараб икки овуз сўз айтиб турибди:

Қариганда камарингда белингди,  
Шерлигинда заргарингди нурингди,  
Қатти(қ) Аваз, қароғингга бир қара,  
Нега хафа қилдинг ёлғиз улингди.

Яхши фарзанд эл бахтига туғилар,  
Ёмон туғилганда халқи бўғилар,

---

<sup>1</sup> Карралигин — тоғнинг тарам-тарам қисми.

Нега хафа қилдинг ёлғиз улингди  
Ёмон сўз юракка ўқдай сўқилар.

От бўлади бир йигитнинг йўлдоши,  
Фарзанд бўлар орқа тови, белдоши,  
Ёмон сўз юракка ўқдай суқилар,  
Яхши сўз бўлади гавҳарнинг боши.

Ботир қўрқмай ўзин урар тўдага,  
Тақдирини топширади худога,  
Бир фарзандга мингта бедов тенг эмас,  
Шул Фиротинг Нуралидан садаға.

Кулфат тушмай, бедов отлар чопилмас,  
Олтин сотилади, меҳр сотилмас,  
Шул Фиротинг Нуралидан садаға,  
От топилар, Аваз, фарзанд топилмас.

Томирсиз терак ҳам қилади додди,  
Ули йўқ подшо ҳам қилар фарёдди,  
От топилар, Аваз, фарзанд топилмас,  
Сен рухсат бер, мен берайин Фиротди.

Бу сўзни бек Соқи Авазга айтди. Авазнинг силласи кетди, жойидан туриб Соқига айтди: «Ҳой Соқи, мен Фиротни берсам, Гўрўғли беҳабар қолса, Фиротнинг кетганини душман билса, Чамбилга бостириб келса, отам Фирни мин деса, Фирнинг йўқлигини билса, менинг гуноҳим учун Чамбил талатўп бўлса, ундан кўра яхши бўлмайми Аваз ўлса?!»

Соқи айтди:

— Сен, Аваз, кўп ваҳима қилаверма, душмандан қўрқиб ҳадик олиб ётаберма. Нурали уч кунга боради, бугун кетса бир кун туриб эртасига келади. Нурали улинг тонг саҳарда Фирнинг белига минади, намоз вақтигача Чамбилдан чиқиб кетади, ҳеч ким Фирни ҳам, Нуралини ҳам кўрмай қолади, душман у ёқда турсин, Гўрўғли ҳам билмай қолади.

Бу сўз Авазга ҳам маъқул келди. Эртага саҳарда Нуралибекни кийинтириб, хитой тўнди кийдириб, оёғига тилла этик кийдириб, тилла камарни бойлатиб, устидан совут тайлатиб, Исфиҳон қилични маҳкам бойлатиб, абдал найзани чап қўлига ушлатиб, қалқонни орқасига тайлатиб, лочин қушни ўнг қўлига қўндириб, лаъл-жавоҳир саллани бошига ўратиб, бек Аваз улини ияртиб

таблага борди. Таблада Соқи Ғиротни афзаллаб, созлаб, зарлаб тайлаган, айилни Ғирнинг белига тайлаб тортаётган эди. Ғир жонивор Авазни кўриб, қулоғини чимириб, Соқига белини торттирмай уйрилиб, узиб-узиб кишнаб, жолини эгарнинг устига ташлаб, қўйруғини силкилатиб ҳар муқомда ўйнаб турди. Ғиротнинг қилиғини Аваз кўриб ҳайрон бўлиб, эгар устига жолини қўйганини кўриб, Нуралига борма дегани кўнгли бўлмай, Ғиротнинг қошига келиб қокилини силаб, сийналаб эгар устидан жолини олиб, юраги эзилса ҳам билдирмай, Нуралибекка мин деб буюрди, ўзи узангини босиб турди. Соқи жиловини ушлаб турди. Нурали отнинг ёнига келди. Сигинди Бобо Зангига, оёқ қўйди узангига, осилди отнинг етим жолига, минди бек Нурали шоҳ супадай бўлган Ғирнинг белига, ушлаб жуганди қўлига, қараб ўнги-сўлига, қуш қўндириб қўлига, отасидан дуо сўради. Аваз ўғли Нуралига дуо қилаётир, бек Соқи овмин деб ёрдам бераётир:

Пирни кўрсам икки қўлим қовширдим,  
 Азизларни кўрганимда бош урдим.  
 Овмин деган қаботимда бек Соқи,  
 Ёлғизимди мен худога топширдим.

Чамбилди қиларман ўлгунча бўстон,  
 Қирқ бир боғи қишин-ёзин гулистон,  
 Аввалида мен худога топширдим,  
 Сўнгра сақла ҳамроҳим қирқ чилтон.

Чамбилим чортоқдир, атрофи адир,  
 Икки юз саконта авлиёнг бордир,  
 Фарзандимни қирқ чилтонга топширдим,  
 Ҳар балони рад айла Хўжай Хидир.

Бефарзанд ўтмасин олтин давроним,  
 Айрилсам, дард чекиб қолар армоним,  
 Қулфатни рад айла Хўжай Хидир  
 Уч юзу олтмишта соҳибқироним.

Ғандаги жонимдир менга омонат,  
 Дўст тугул, душманга қилма хиёнат,  
 Минг бир азиз, мен сигиниб топширдим,  
 Овмин, олло ўғлим келсин саломат.

**Алқисса, Нуралибек билан Соқи овмин деб фотиҳани**

бетга тортди. Лекин Авазнинг юраги бир хиёл бўлиб,  
Гирнинг жиловидан ушлаб, кўнглини хушлаб, тўхта бо-  
лам, бир насиҳат айлайин, душманларинг бордир ўнги-  
сўлингда,— деб бир сўз айтиб турибди:

Тўхта болам, бир насиҳат айлайин,  
Душманларинг бордир ўнги-сўлингда,  
Билганларим алвон-алвон сўйлайин,  
Фалокатни билмай қолма йўлингда.

Авалло ҳурмат қил ўсган элингда,  
Ҳам у сунриб тоза қиб юр йўлингда.  
Емон сўздан доим сақла тилингда,  
Тилнинг дўсти-душманлигин бил, болам.

Олдиндан ким келса салом бериб ўт,  
Йиқилганга доим ёрдам бериб ўт,  
Ширин-шакар тилдан калом бериб ўт,  
Каломнинг қиммати, қадрин бил, болам.

Узинг юр, ўзгани йўлдош демагин,  
Сийналаб келганди ҳеч дўст демагин,  
Айёрнинг қўлида сарсон бўлмагин,  
Айёрнинг айлана сўзин бил, болам.

Бемаврид Гиротни асло урмагин,  
Гирот учун сен гўдаклик қилмагин,  
Йўлдош топсанг асло олдин ўтмагин,  
Йўлдошнинг юраги, дардин бил, болам.

Душман кўрсанг асло уни қувмагин,  
Чамбилни сўраса ҳеч ҳам билмагин,  
Танимасанг бир ўтовга бормагин,  
Душманнинг заҳарли нонин бил, болам.

Сипоҳи бўлолмас, ақл бўлмаса,  
Ақл ҳамкор қилмас нақл бўлмаса,  
Айёр ҳам бўлмайди бахил бўлмаса,  
Бахил боғи кўкармасдир бил, болам.

Ақлинг бордир, англаб олгин сўзимди,  
Манманлик йўлига солма ўзингда,  
Емонни билишга ўргат кўзингда,  
Кўзнинг юрак уқишини бил, болам.

Бу сўзларни Аваз Нуралибекка айтди, Нурали ҳам бу сўзларни билиб, дуони, насиҳатни олиб, олқордай бўлиб икки кўзи ёниб, кўнгли кўтарилиб Гулзор кўчадан ўтиб, Чаримгарга етиб қараса, Ғанибек ҳам тайёр бўлиб йўлда турибди. Иккиси бир-бирини кўриб, салом бериб кўришиб, шунда Ғанибек туриб айтди:

— Нуралибек, менга хабар бермадинг, кетдик демадинг, мен сени икки кеча кутдим.

Шунда Нуралихон айтди:

— Унда дўстлик бўлмайди-да, юр кетдик,— деб иккиси одамлар уйқудан тургунча Чамбилдан чиқиб кетди.

Ана энди Ғанибекнинг кимлигини билмоқ керак. Ғанибекнинг асли оти Жорхун мастондир. Жорхун мастоннинг жойи Қолдустондир. Қолдус шахрининг подшоси Гапсаршоҳдир. Гапсаршоҳнинг қизи Гулисанобаройдир. Гулисанобарнинг ўн учга кирган, олти юз канизи бор эди, уч юзтаси одамзоднинг қизи, уч юзтаси паризодлардан эди. Одамзоднинг қизлари подшо томонидан қўйилган бўлиб, парилар Гулисанобарнинг ҳуснига маҳлиё бўлиб ўзлари келиб каниз бўлишга рухсат олиб, ҳам хизматни қилиб, ҳам ҳуснини тамошо қилиб юрар эди. Гулисанобарнинг икки юз кокили бор эди. Ҳар кокили ҳар турли ранг билан бўялган эди: бир кокили тилла сувига, бир кокили нуқра сувига, гавҳарга, жавҳарга — шундай турли нарсаларга бўялган бўлиб, кеча-кундуз бир-бирига ёруғи уриб, урган ёруғи етти қаср ичидан кўриниб турар эди. Юзига уч юз пардани тутган эди, пардалар қизнинг ҳуснига олтин бўлиб кетган эди. Бир пардани очса бир кунлик йўл, икки пардани очса икки кунлик йўл... уч юз пардани очса уч юз кунлик йўл ёруғ бўлар эди. Кўшки етти қават бўлиб, сиртидан икки минг сардор қоровуллик қилар эди. Етти қават кўшкидан биттасини тешиб қарагани ўлар эди. Минглаб подшолардан совчи келар эди, келган совчига бир қабат кўшкини очиб киритар эди, кўзи кўрмай чиқар эди, бир кун ўтмай ўлар эди, шундай қилиб мамлакатини кўрмай қолар эди. Бир куни подшо кўнглида шу қизим кимга насиб қилар экан, буни билсам, қизим эрга тегди деб хабар қилсам деб вазирга буюрди. Доно вазир донғи чиққан мастонлардан юзтасини ҳозир қилди. Подшо мастонларни битта-битта киритиб қизим кимга насиб қилади, қайси мамлакатдан қандай шахзода олади, деб сўраётир. Юзта мастоннинг ҳар бири ҳам: «Қизинг Чамбил кетади, ўн тўрт яшар бек Нурали, Авазнинг ули олади, бермасанг юртинг вайрон бўлади»,—

деб айта берди. Гапсаршоҳ мастонларга жавоб бериб, олиму уламоларни, вазиру доноларни, сардори аскарларни чақириб, бу гапдан хабар бериб, маслаҳат сўраб турибди:

Тожи давлатимда даврон сурайин,  
То ўлгунча бирор ғамлик кўрмайин.  
Икки минг олти юз турган донолар,  
Жавоб бергин, бир маслаҳат сўрайин.

Мастонлар айтади шахрим вайрондир,  
Мендай султон бу гапларга ҳайрондир.  
Нуралихон келар эмиш қайдандир,  
Доноларим, бир маслаҳат сўрайин.

Қизим олиб кетар эмиш Чамбилга,  
Чамбил лозим эмас айтишга тилга.  
Қайтиб зағча келиб қўнар нозгулга,  
Сардорларим, бир маслаҳат сўрайин.

Маслаҳат беринглар, нима қилайин,  
Қўн десанглар тақдиримга кўнайин.  
Кет, десанглар қизим олиб кетайин,  
Акобирлар, жавоб бергин, кўрайин.

Бу сўзни барча донолар, жамики фозилу фузалолар эшитиб, бошини хам қилиб, нима дерин билмади. Подшо дарғазаб бўлди, буни Дониш вазир билди. «Бир қошиқ қонимдан кечсанг мен айтурман, ўлдирсанг фикримдан қайтурман»,— деб подшодан рухсат олиб, бир сўз деб турибди:

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,  
Ҳар ким ярашиғи билан қарисин,  
Эй подшоҳим, куйганимдан айтаман,  
Шоҳим, подшоҳим, қизинг қурисин.

Шаҳринг вайрон бўлганини мен билдим,  
Бахтинг қаро бўлганини мен билдим.  
Илоҳим подшоҳим, қизинг қурисин,  
Бу қизингнинг кетарини мен билдим.

Чамбил деган чор тарафи қоядир,  
Борган душман қоясидан тоядир,  
Бу қизингнинг кетарини мен билдим.  
Қанча меҳнат қилсанг энди зоядир.

Гўрўгли султондир, пари келтирган,  
Қаҳри келса кўкдан кунда эндиран,  
Қанча меҳнат қилсанг, султон, зоядир,  
Дев, парига уруш тилини билдирган.

Аваз деган Гўрўглининг боласи,  
Одамзоднинг бошга тушган балоси.  
Нуралибек бек Авазнинг фарзанди  
Наъра тортса қулар тимнинг қаъласи.

Ғирот деяр, учма қушма, билмадим.  
Сундуз товдан ўтди, чангин кўрмадим,  
Кишнаса тутдайн тўкилар юлдуз,  
Шамолига йиқилмас тоғ кўрмадим.

Гапим олсанг бир маслаҳат берайин,  
Ҳийла билан бирор корин қилайин.  
Чамбил шаҳри аждаҳолар шаҳари,  
Мастонларни олиб ўзим борайин,

деб подшога айтди. «Эй подшоҳим, Нуралини ҳийла билан Чамбилдан олиб чиқсам, иложи бўлса Ғиротни Нуралига йўлдош қилсам, минг хил йўл билан ҳайдаб келсам, Ғиротни бойлаб олсам, Нуралига қизингни кўрсатсам, оламан деса, тўй қилиб шаҳрингда олиб қолсанг, ёш эмасми, кўникиб кетар, сени ота тутар, Аваздай бўлиб добиринг<sup>1</sup> оламга кетар, келган душманинг қон ютар, Ғир бирга келса Нурали бу шартга кўнмаса ўлдирсанг бўлади. Агар Ғирот келмаса, сен Нуралини ўлдирсанг, бошинг кесилиб, шаҳринг вайрон бўлар. Нурали шартга рози бўлмаса зиндонга соласан, агар Гўрўгли, Аваз зўрлик қилса Нуралини берасан, қизингни тўй қилиб турасан, шундай қилсанг ўлимдан қутилиб қоласан, у ёғини ўзинг билсанг»,—деди. Бу сўзга ҳамма турган одамлар тўғри деб жавоб берди. Подшо ҳам шу шартга кўнди, бу ишнинг барини вазири Донишга топширди.

Дониш вазир: Нима бўлса бўлди деб, балки куним тўлди деб, мастонларни чақириб, мастону айёрларнинг каттаси Жорхунга воқеани айтди. Жорхун мастонларнинг зўри, балки уларнинг пири, уч юз олтмишдан ошган, салгина қари, кўзига сурма қўяр, қошига ўсма қўяр, бир тилсим билан ўн тўққиз яшар ўғил бўлар, тилсим-

<sup>1</sup> Добиринг — шон-шукратинг.

нинг ҳар турини билар эди, гоҳ аждаҳор, гоҳ бургут бўлар эди. Дониш вазир шу мастонди олиб, қабатига қирқ мастонди ҳамроҳ қилиб, яна қирқ қиз, қирқ оқ ўтов олиб, қирқ минг сардор билан «ҳай-ю ҳайт» деб Чамбилга ярим кечада шобир чиқармай чиқиб жўнади. Жунхай тоғига етиб қирқ минг сардорни Кенгай дарага жойлаб, вазир туриб: «Эй сардорлар, сиз шу ерда турасиз, ҳар бирингиз билдирмай пистирма қўясиз, иккиталаб тоғ бошида соқчилик қиласиз, дурбинни оласиз, биздан бошқа ким келса, шу йўлдан ўтса, олдини тўсасиз, мен қайтиб келгунча ушлаб турасиз»,— деди-да, жўнаб кетди.

Асқар тоғига етди, орадан яна бир ой ўтди. Асқар тоғида, Зарчашманинг бўйида қирқ уйни тикиб, Жорхун мастонга маслаҳат солди. Жорхун мастон қуръани қўлига олиб Чамбилдаги воқеаларни, қандай қилиб дарвозадан кириш йўлини ахтарди. Қуръа ташлаганига уч кун бўлди, тўртинчи кун мастон айтди: «Мен Чамбилга кириш йўлини топдим. Болхувон шаҳри Чамбилга қарам. Болхувонда бир сардор бор, оти Ёқуббек, унинг ўн тўрт яшар ўғли бор. Шу ўғли бугун Чамбилда ўқиш учун йўлга тушди, (ёнида) Гўрўғлининг ёрлиғи бор. Шунинг учун эртага йўлга тушсам, йўлини тўссам, оти Фанибек, уни тош қилсам, Фанининг ўзи бўлсам, отини минсам, Чамбилга Фани бўлиб кириб борсам, Нурали мулладан таълим олмоқда, мен ҳам ўқиб Нурали билан дўст бўлсам, Фирри билан уч ойда олиб келсам, агар йўлини топсам, йўлда корини қилсам, корини қилолмай шу қирқ уйга ияртиб келсам, қирқ қиз шароб тутса, эси кетиб отдан тушса қирқ мастон тилсим билан Фирри ушлаб қолса бўлади. Бундан бошқа йўли йўқ. Чамбил халқи бир-бирини суяди. Яхши кўрганидан бировининг оёғига тикан кирса, бари йиғилиб келади, иттифоқлиги қаттиқ, бири билиб қолса барига хабар беради». Бу гап вазирга маъқул келди. Жорхун мастон чошка-чошкада Асқардан тайлаб, чимматни бетга тортиб, Фанига йўлда етиб, тош қилиб жилғага қўйиб, ўзи Фани бўлиб Чамбилдан соқчиларга ёрлиғини кўрсатиб, дарвозадан ўтиб мадрасада ўқиб, Нурали билан дўст бўлиб алдаб олиб кетаётган эди.

Ана энди Нурали билан Фани Чамбилдан чиқиб кетаётган жойи:

Қўлида қуши чорқиллаб,  
Бедов оти диркиллаб,



Қамчи берса жунайди,  
Оққан сувдай шарқиллаб.

Аста-аста йўл босиб,  
Бекнинг ғайрати тошиб,  
Устда кийган кийими  
Дол бўйига муносиб.

Абдал найза ширқиллаб,  
Бошида дубал чорқиллаб.  
Тилла паянак<sup>1</sup> урилган  
Узангида селпиллаб.

Испихони белида,  
Олғир қуши қўлида,  
Тезлаб кетиб боради,  
Арпалининг чўлида.

Ғани билан тенг бўлиб,  
Нурали кўкси кенг бўлиб,  
Чўлда кетиб боради,  
Мастон кўнгли танг бўлиб.

Ўтди Арпа дўзидан,  
Олов чиқиб кўзидан,  
Ғирот олдин ўтмайди,  
Кетар Ғани изидан.

Ҳайдаб сойлардан ўтди,  
Балки Ҳовдакка етди.  
Кетаётир тенг бўлиб,  
Кун ҳам чошкага етди.

Иккаласи чўлда селтанглаб келаётир. Жорхун мас-  
тонди Нуралибек дўстим Ғани деб келаётир. Жорхун  
қаради, қабот бўлиб боради, Ғирот олдига ўтса Нурали-  
бекни уради, аммо Ғирот олдинга ўтмай боради. Жор-  
хун кўнглида: «Нурали билан бир пойга қўяман, Ғирот  
мендан ўтса Нуралини отаман, Ғиротни банди қилиб  
кетаман»,— деб ўйлаб Нуралибекка бир сўз деди:

Ғирот дейди остингдаги отингди,  
Менинг бедовимдан отинг ўтарми?

<sup>1</sup> Паянак — эгарга тақиладиган пўкак.

Асли туркман дейди сенинг зотингди,  
Туркман ўгли айтганидан қайтарми?

Кел иккимиз бугун пойга қилайлик,  
Кимнинг оти чавандоздир, кўрайлик,  
Ўтган отнинг хизматини қилайик,  
Ботир бўлсанг пойгага қўш Ғиротни.

Отинг ўтса хизматни мен қилайин,  
Менинг отим агар ўтса кўрайин,  
Бу шартимда мардлик билан турайин,  
Чопқир бўлсанг пойгага қўш Ғиротни.

Пойга жой қиб Асқар товди танлади,  
Баробар қиб икки отди ҳайлади,  
Иккиси қимсиниб туёқ тайлади,  
Томоша қинг назаркарда Ғиротни.

Иккиси ҳам тенг бўб кетиб боради,  
Билмадим худойим кимга беради.  
Бек Нурали ўзса худо уради,  
Энди кўринг назаркарда Ғиротни.

Ҳайда, дейди, мастон ҳамиз беради,  
Кўнглида ўтса деб кетиб беради,  
Бу мастоннинг кўнглин Ғирот биледи,  
Ақлин билинг назаркарда Ғиротни.

Нурали устида ҳайрон бўлади,  
Ўткин, дейди, от човига уради.  
Ғирот ўтмай тенг бўб кетиб боради,  
Кўнглин билинг назаркарда Ғиротни.

Тенг бўб чиқди Асқар товдинг белига,  
Ҳеч ким тушмай қолди шартнинг йўлига.  
Фалокат келмади бекнинг улига  
Соғ об чиққан назаркарда Ғиротдир.

Жорхун мастоннинг кўнглидаги бўлмади, Нуралини йўлда бир ёқли қилмади, қўлини боғлаб ҳайдаб келмади, уч марта қатти-қатти добилди урди, добил товуши мастонларга етти, улар келди деб иш тутди. Нуралибекнинг аччиғи келди, қўли қинга югурди. «Нега бемаҳал урдинг добилди?»— деб бир сўз айтди:

Ов овлаган сендай аҳмоқ бўлама,  
Ов жойига келиб добил урама.  
Не сабадан тоғда добил чаласан,  
Ё адашиб ҳамроҳларинг қолдима?

Дўстлигингди, душманлигинг билмадим,  
Оқ тўшингга абдал найза солмадим.  
Не сабадан сен урасан добилди,  
Добилингни сабабини билмадим?

Тўхта Гани, сабабини айтасан,  
Сен айтмасанг бошинг кессам қайтасан,  
Добилингни сабабини билмадим,  
Мулла бўлсанг дол сўзингда турасан.

Мен қарасам қийинглайсан, турасан,  
Дардинг борга ўхшаб добил урасан.  
Добил урсанг қулон-кийик қочмасми,  
Қури борсанг қайтиб Чамбил кирасан?

Бу сўзни эшитиб Жорхун мастон Нуралибекка қараб бир сўз деди:

Товларнинг бошини чалади туман,  
Туманли жойларда юриш ҳам гумон.  
Билмайин қолибман мунча гуноҳни,  
Бир мартага кечир мени, Нурали!

Эга ўлса унинг моли сабилди,  
Дориликка одам чайнар ковилди<sup>1</sup>.  
Бир мартага кечир мени, Нурали,  
Қўрққанимдан мен урбедим добилди.

Ёмон тили чилладаги қор дедим,  
Яхши тили хазинада зар дедим.  
Қўрққанимдан мен урбедим добилди,  
Одамхўрлар: шер, айувлар<sup>2</sup> бор дедим.

Бугун сенга мен мунгайиб қарайман,  
Ўлгунимча хизматингга ярайман.  
Аждаҳарлар, одамхўрлар бор дедим,  
Бир мартага гуноҳимди сўрайман.

<sup>1</sup> Ковил — ёввойи ўсимликнинг бир тури.

<sup>2</sup> Айувлар — айиқлар.

Бу сўзни Жорхун мастон айтди, қўрқандай бўб кўзини пастга қилиб турди. Нуралибек туриб айтди: «Эй Фанибек, менинг қўрқоқ билан ҳамроҳлигим бўлмайди. Қўрқоқ шатал<sup>1</sup> беради, лекин ёрдам бермайди. Беш қўрқоққа бир қарға, деган экан, мен қарғаларни кўриб юрсам ҳам бешта ҳамроҳим бор деб кетаверсам бўлади. Энди ўзинг танлаб ол, Асқарнинг қайси томонини овлайсан, иккимиз ажраламиз. Агар бошингга бирор фалокат тушса Чамбилга қсчасан, добил уриб менга хабар берасан». Жорхун мастон кўнглида: «Энди бу мени билан юрмайди, юрганим билан қўймайди»,— деб Нуралига: «Дўстим Нурал, энди сен кунчиқар томонга юрасан, менга кунботар томонди берасан, у ёғини ўзинг биласан»,— деб Нуралини қирқ ўтов томонга жўнатиб юборди-да, ўзи кунботар томонга кетди. Пана жойга тушиб, отни дуо ўқиб тўрғай қилди, ўзи калхат бўлди, тўрғайни кўтариб тўғри Фани тош бўлиб ётган сойга борди. Фанини асли ҳолига келтириб, отини, кийимларини берди, Фанига: «Энди сен Чамбилга бормайсан, мен Чамбилнинг домласиман, сен бўлмайсан, яна бир йил ўқиб сўнг қайтиб келасан, қўлимда таълим оласан, ҳозир саводинг кам»,— деб Болхувонга қайтариб юборди. Ўзи яна калхат бўлиб қирқ ўтовга келди. Бўлган воқеани айтиб, қирқ мастонди олиб, ҳаммаси ғоз бўлиб, аста-аста Нуралибекни қидириб учиб бораберди.

Нуралибек энди Ҳовдак кўлини овлайман деб келаятган эди, бошида ғақ-ғақ деган товушни эшитиб қолди. Бурилиб қаради, кўп ғоз аста-аста паслаб учиб бормоқда эди. Қўлидаги олғир қушини баланд кўтариб қушларни кўрсатди, олғир қуш кўрмагандай бўлиб тураверди, Фирот юргиси келмай бўйнини эгиб тураберди, ғозлар арча бошига қўниб, кўриб ҳайрон бўлиб, бунга ҳам мақтамасам бўлмас деб, «Отам қуши, олғир қуши, олиб берсанг не бўлар»,— деб қушга қичқириб турибди:

Нор қуши, олғир қуши,  
Олиб берсанг не бўлар.  
Отам қуши, ол қуши,  
Обкеб берсанг не бўлар.

Панжангдаги тирноғинг,  
Гўрўғли найзасидай,

---

<sup>1</sup> Шатал — панд беради.

Қанотингнинг чиройи  
Фасллар жавзасидай.

Унг қўлимда туришинг  
Беш қарғанинг божидай,  
Кўкдан пастга тайлашинг  
Бек Шодмоннинг ўзидай.

Кўзингнинг ўткирлиги  
Осмоннинг юлдузидай,  
Тумшугинг узунлиги  
Бек отамнинг тиғидай.

Езилганда қанотинг  
Баҳорнинг булутидай,  
Икки норча оёғинг  
Устанинг пўлатидай.

Қушни кўриб қувишинг  
Тулки қувган тозидай.  
Абжиллигинг жонивор  
Дарёнинг қундузидай.

Келиб қушни топишинг  
Ерга тушган яшиндай,  
Улжани обкелишинг  
Шаҳар олган қулиндай.

Олайиб овсирашинг  
Кўзи ёнган арслондай,  
Кўзинг сузиб қарашинг  
Тахтда турган султондай,

Кел, жонивор, уч энди,  
Булутдай бўб кўч энди.  
Сен бормасанг, мен борай  
Мана, шароб ич энди.

Сен бормасанг, тураман,  
Сени тайлаб бораман.  
Қуруқ қайтиш уятдир,  
Сен борсанг, мен тураман.

Бу сўзларни Нурали айтди, олғир қуш бир нарсани  
сезгандай бўйинини тайлаб тура берди. Нуралининг ач-

чиги келди, қўлидан ерга тайлади, қўлига камон ёйин олиб Фиротига қамчи уриб, аста жўнаб берди. Буни соҳиб қуш билди, энди бўлмайди, тили йўқ, кўнглидагини айтиб бўлмайди, nasibаси тортса қайтариб бўлмайди, қуш ўз-ўзига гапириб, ердан ҳаволаниб учмоққа чоғланиб айтаётган сўзи.

Одамзод-да, қараб англаб билмади,  
Мең учмайман, дедим, асло кўнмади,  
Тилим бўлса тушунтириб сўйласам,  
Бу қушларнинг мастонлигин билмади.

Бу мастонлар бир фалокат бошлайди,  
Узумкўзнинг энди кўзин ёшлайди.  
Бу қушларнинг мастонлигин билмади,  
Бир жафони энди бошга ташлайди.

Ҳаволаниб энди мен ҳам учайин,  
Тузи ҳақи кўкда қонлар ичайин.  
Мастонлар бир фалокатни бошлайди,  
Фирот учун энди жондан кечайин.

Булутлар учади тоғ билан тоға,  
Кўз билан қарайин бугун ҳар ёға,  
Фирот учун энди жондан кечайин,  
Нуралига муштдай бўшим садаға.

Армоним йўқ биттасини ўлдирсам,  
Олиб келиб Нуралига билдирсам.  
Нуралига муштдай бошим садаға,  
Улсам майли, омон-эсон кеткирсам,—

Деди-да, чарқиллаб, осмонга учди,  
Қаноти шариллаб ҳавони кесди.  
Уч марта айланди бекнинг бошидан,  
Сўнг булут устига чиқди-да, кетди.

Учди гала мастон турган жойидан,  
Олғир қуш қуйилиб келди устидан.  
Келганини билмай қолди мастонлар,  
Келиб тепди сўнг юракнинг пастидан.

Олғир қуш олди-ю қочиб жўнади.  
Мастонлар қуйилиб қушни қувади.  
Билмадим худойим кимга беради,  
Мастонлар жам бўлиб қушни тепади.

Чирқаллайди, қушга жабр ўтади,  
Улган мастон ерга тушиб кетади,  
Икковиини чангал солиб ўлдирди,  
Жониворга энди ўлим етади.

Мастон кўплик қилди, энди юлиб  
Жонивор қуш пасга қараб қулади.  
Бу ишларга ҳайрон қолди Нурали,  
Олғир қушнинг ўлганига йиғлади.

Мастонларни қуш деб қўлга олади,  
Қонжиғага учовини бойлади,  
Олғир қушни йиғлаб олди Нурали,  
Мастонлар ўлдик, деб, қочиб жўвади.

Мингга ўқни камонидан узади,  
Осмондаги жўн булутлар тўзади.  
Қувиб отаётир султон Нурали,  
Отган ўқи кун нурина тўсади.

Зарбасига гала мастон йиғлади,  
Ун еттиси ўққа учиб қулади,  
Қувиб, ўқди уза-уза Нурали,  
Қирқ ўтов устидаи бориб қолади.

Шу ерга келганда қолган мастонлар бирдан йўқ бўб кетди, пасга тушдимни, осмонни фалакка чиқиб кетдимни, Нурали билмай қолди, ўз кўнглида ўзи: «Шу уйлардан бир сув сўрайин, берса ичайин, туш деса тушайин, йиқилган ғозларни топиб олайин, қушим чатоқ бўлди, энди Чамбилга қайтайин, Ғанини топиб олайин», — деб отини уйларнинг қошига ҳайдади. Ғирот оқсагандай бўлиб, ўқрайиб изига қарай берди, Нуралининг сонидан аста-аста тишлай берди, ҳали ёш Нурали ҳеч нарсанинг фарқига бормай ўтовлар олдига ҳайдай берди. Қараса ҳаммаси оқбўзардай, оқлиги товўқнинг тухумидай ўтовларди кўриб, қайси бойнинг уйи экан, деб яқинлашди. Ҳар бир уйдан сознинг товуши, қизлар қўшиғи эшитила берди, бўсағадаи бир қараб яна ичкарига кираберди. Бу гала қизлар қайси боғнинг қизлари, деб Ғиротни кўндалаи қилиб, санамларга: «Сув бер, ичайин», — деб бир сўз айтиб турибди:

**Келдим ўзим узоқ элдан,  
Санамлар сув бер, ичайин,**

Сувсаб келдим чўлларингдан,  
Ой санам, сув бер ичайин.

Отда келдим бугун толиб,  
Эгарима қушлар солиб,  
Уйингдан чиққан иргалиб,  
Ой қизлар, сув бер ичайин.

Икки зулфак нурдай бўлиб,  
Узинг учар ҳурдай бўлиб,  
Баданларинг қордай бўлиб,  
Ой нурлар, сув бер ичайин.

Берган сувинг шароб бўлиб,  
Жоду кўзинг меҳрим олиб,  
Сен аврасанг борим қолиб,  
Кел қизлар, сув бер ичайин.

Иргалсанг белинг буралиб,  
Ҳар бўғинга узук солиб,  
Оқ сийнага гавҳар қўйиб  
Сув узат қизлар, ичайин.

Оқ ўтовинг ойдаи бўлиб,  
Асовлигинг тойдай бўлиб,  
Ювошлигинг қўйдаи бўлиб,  
Санамлар, сув бер, ичайин.

Бу қизлар сўзни эшитиб, олдидан хабар берган Нуралилигини билиб, ҳар бири ўз косасига беҳуш қиладиган дори солиб, нозик толдай иргалиб, бари бир-бир босиб, мушки анвар ҳид сасиб, келаётир. Жорхун мастон ҳам қолган мастонлар билан қиз бўлиб, қўлига турпоқ олиб, тупроққа тилсим солиб, қизлар билан бир бўлиб, турибди. Мастонлар юраги олинган, аста-кейин кела берди. Гавҳар косада сув тутиб, қизлар қўшиқ айтиб Нуралига парвона бўла берди:

Нор билакли бекнинг ули,  
Келиб сув ичкин, сув ичкин.  
Гулимнинг ошиқ булбули  
Келиб сув ичкин, сув ичкин.

Ичган сувинг менинг меҳрим,  
Ҳам қизлигим, ҳам баҳорим.



Бишликда оққан наҳорим,  
Бекнинг ули, кеб сув ичкин.

Менинг сувим оби кавсар,  
Ичган йигитлар минг яшар,  
Ҳамда севганига қўшар  
Зар кокилим, кеб сув ичкин.

Сув бераман гулдай бўлиб,  
Нозик белим қилдай бўлиб,  
Кеб сув ичсанг улдай бўлиб,  
Баҳодирим, кеб сув ичкин.

Деҳқонсиз, деб экдим олма,  
Келиб ушла, лекин толма.  
Мени де, бошқани олма  
Севарим, мана сув ичкин.

Сени десам кўнглим бўшаб,  
Баданларим қордай яшнаб,  
Гулга кўнган ҳурга ўхшаб  
Вафодор, мана, сув ичкин.

Сўзни айтиб қизлар толди,  
Нурали нордай ирғалди.  
Бедов отни йўлга солди,  
Ғирот бирдан ўйин қилди.

Бу ўйинни бек Нурали,  
Тушми, ўнгми билмай қолди,  
Ақлдан шошиб Нурали  
Севган қизга яқин келди.

Ўйнай-ўйнай Ғир кузатди,  
Нурали қўлин узатди,  
Ўйнаб туриб Ғир жонивор  
Оёғини сермаб ўтди.

Оёғи косани тепди,  
Коса қўлда синиб кетди,  
Буни қўйиб бошқасига  
Бек Нурали қўл узатди.

Жонивор Ғирот билади,  
Қўл узатса, бу йиғлади,

Қўлга коса олдирмайди,  
Туёғи билан бўлади.

Иигирмадир коса синди,  
Келди Нурали қаҳри энди.  
Жаладай қиб қамчи бериб,  
Бир қиздан косани олди.

Коса олиб Нурали ичди,  
Мастонлар ҳей тупроқ сочди.  
Беҳуш бўлди бекнинг ўғли,  
Эс кетиб Нурали тушди.

Фирот бирдан тош бўб қолди,  
Нурали кўзда ёш бўб қолди.  
Шилқиллаб отдан йиқилди,  
Мастон кўнгли хуш бўб қолди.

Алқисса, мастонлар Нуралининг қўлини боғлаб, уй ичига киритиб, гала мастонлар жам бўлиб, кўнгли хуш бўлиб, бир-бирига бош бўлиб, олиб кетишнинг режасини тузиб, Жорхун мастон туриб айтди: «Нурхоннинг икки қўлига бир ботмон, оёғига икки ботмон занжир боғлаймиз, араванинг устига ташлаймиз, Фиротнинг бошига ўн икки ботмон занжирдан нўқта қилиб, қирқ араванинг орқасидан боғлаб, ўзини аслига келтириб жўнаб кетамиз». Дониш вазир туриб айтди: «Бу гапинг ҳам тўғри, лекин Фиротни ҳам тошлигида аравага ортиш керак. Бу от Чамбилни Чамбил қилган, қирқ йигитни келтирган, Кўйи Қофдан пари олдирган, пойга бўлса баридан ўзган, қаҳри келса тоғларни бузган, минган муродига етган, ирғиса Амудан ўтган, жабр тушганда учган, эгаси асир бўлса хабарин Чамбилга берган. Шунинг учун буни шу туришда аравага ортиш керак». Бу сўз ҳаммага маъқул тушди. Нурали билан Фиротни аравага солиб, «ҳайт» деб Асқар товига қараб тортиб жўнади. Орадан ҳафта ўтди. Отлар тортолмай, мастонлар отдан тушади. Нурали аравада гоҳ ҳушига келиб, гоҳ ҳушидан кетиб боради. Орадан қанча кунлар ўтди, отлар аравани тортолмай қолди, мастонлар, қизлар тортади, бўлмади. Шунда Жорхун мастон: «Энди шундай қилсак, Фиротни асл ҳолига келтирсак. Ҳаммамиз ҳар ёғидан ҳайдасак, аравага бойласак. Фирот энди қочолмас, қочган билан мен қўймайман, изидан шунқор ёки

Семурғ бўлиб учаман, Фирот икки қадам босмай шип оламан, майиб бўлса ҳам олиб бораман», — деди. Шунда Дониш вазир: «Гапинг тўғри, мана сардорлар турган жойга ҳам келдик. Аввали Фирни қочирмаймиз, шу ерга олиб борамиз», деди. Мастонлар аравадан Фирни тушириб ўз ҳолига келтирди, Нуралининг ҳам бурнидан беҳуш (қиладиган) дорини олди. Фирот бошидан занжир билан боғланган, жонивор банди бўлганини билиб, кўзидан жимма-жимма ёш кетиб турибди. Нурали ҳам ўзига келди, қаради қўли боғланган, оёғига занжир тайланган, Фирот ҳам боғланиб мустар бўлиб турибди. Қабатида мастонлар қаҳ-қаҳ уриб кулаётир, қизлар бошини сал қуйи солиб бораётир, бек Нурали қаерга келганини билмади, банди бўлганини билди. Чамбил юртидан, ғамхўр отасидан, меҳрибон онасидан, Гулинор синглисидан, беш юз муллабачча дўстидан, бобоси Гўрўгли Султондан, момоси Юнус, Мисқолдан, Чамбилдаги бутун халқидан айрилганига, ўзи бўлмай, ўзи қатори Фирнинг ҳам жилаб турганига кўзи тушиб, бачча эмасми, кўзидан ёши тизилиб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, «Танда армон қолиб кетди худойим», деб ўз ҳолига ўзи йиғлаб турган жойи:

Бу қандай фалокатдир, билмадим,  
Ёшлигимда жабр кўрдим, найлайин.  
Бу қандайин менга офат, билмадим,  
Ёлғиз бошга кулфат кўрдим, найлайин,  
Танда армон қолармикан, худойим.

Ҳай аттанг-а, отам қолди уятга,  
Ёлғиз боши қолар бўлди фарёдга,  
Ёшлигимда жабр кўрдим, найлайин.  
Зор айлади қиблагоҳим зурёдга,  
Танда армон қолармикан, худойим.

Менинг учун аттанг Фирот бойланди,  
Ичар сувим бемаҳалда лойланди.  
Давр кўрмай мен кетарман, найлайин,  
Азиз бошим аравага жойланди,  
Танда армон қолиб кетди, худойим.

Чамбилбелим чор тарафи қаълам деб,  
Энди кимга етар экан полам деб,

\* Шун — тезликда, бирдангина.

Меҳрибоним энди йиғлар, найлайин,  
Кўзда ёшин тўкар энди, болам, деб,  
Бошда армон қолиб кетди, худойим.

Елриз эдим отам билан энамдан,  
Бемаҳалда чиқдиммикан қалъамдан,  
Танҳо бошим кун кўрмади, найлайин,  
Энди ерлар лойланади жоламдан.  
Менда армон қолар бўлди, худойим.

Мен айрилдим Чамбилимдан, элимдан,  
Ножўя гап чиқдиммикан тилимдан,  
Азиз бошим аравада, найлайин,  
Бургут тепиб, майиб қилди белимдан.  
Эсиз, армон қолар бўлди, худойим.

Бирга юрган йўлдошлардан айрилдим,  
Бек Гўрўгли султонимдан айрилдим,  
Оёқларим боғланганда, найлайин,  
Ғамхўр энам, меҳрибондан айрилдим.  
Юрагимда армон қолди, найлайин.

Юракдошим муллалардан айрилдим,  
Мадрасадан-мактабимдан айрилдим,  
Илм олган бошим ҳолда, найлайин,  
Таълим берган устозимдан айрилдим.  
Бошим қотиб, армон қолди, худойим.

Еш бола-да, йиғлаётир Нурали,  
Кўздан ёшин тўкаётир Нурали.  
Мастонларга тиклаб-тиклаб қарайди,  
Жодугар деб сўкаётир Нурали.

Нурали йиғлади, булут йиғлади,  
Нурали йиғлади, тоғлар кулади,  
Ғиротига йиғлаётир, Нурали,  
Нурали йиғлади, боғлар йиғлади.

— Ғиротим, қулоқ сол айтган тилима,  
Мен минмай ўлайин сенинг белинга,  
Ақлим йўқдир, сени банди қилибман,  
Энди кулфат келтирибман элима.

Жонивор, искама келиб ўзимди,  
Искагунча келиб ўйгин кўзимди,

Кулфатни келтирдим ўсган элима,  
Ёшинг тўкиб на кишнайсан зимда.

Жонивор, силкиниб турсанг бўлмайма,  
Йиғлагунча ўйнаб турсанг бўлмайма,  
Менинг учун хафа бўлма, жонивор,  
Мингта занжир бўлса узсанг бўлмайма.

Бу сўзни Нурали Фиротга айтди,  
Думғўза уйрилиб изига қайтди,  
Мастонлар шошилиб дуо ўқиди,  
Искади Нурхонди изига отди.

Занжирлар бўйнидан узилиб кетди,  
Товларнинг газаси бузилиб кетди,  
Искади жонивор изига қайтди,  
Арава бузилди, тузулиб кетди.

Туёғи ерларни ҳам бузиб кетди,  
Осмондаги булутлар ҳам тўзиб кетди.  
Жонивор бурилиб ўзини отди,  
Шамоли қизларди учириб кетди.

Булбуллар куяди сўлган гулига,  
Боғбонлар қарайди синган белига.  
Шамоли қумларни учириб кетди,  
Чўзилиб жўнади Чамбилбелига.

Нурали йиғидан тўхтаб қаради,  
Жонивор чўзилиб кетиб боради.  
Ёш боланинг юзига қон келади,  
Бошин ирғаб бек Нурали кулади.

— Борсанг салом дегин султон бобомга,  
Бандилигим билдир ғамхўр отамга,  
Жонивор, ўйноқлаб киргин Чамбилга,  
Салом де энамга, ғамхўр элимга.

Энди душман ўлдиролмас ўзимни,  
Ғамхўр отам олиб келар изимни,  
Агар душман азоб берсанг ўзима,  
Ер юзида йўқ қилади ўзингни.

Нурали ҳали бола эмасми, бу сўзларни айтиб, ёшини артиб, қаҳ-қаҳлаб кула берди. Дониш вазирнинг эси

кетиб, икки кўзи олайиб, нима қиларин билмай қолди. Қирқ қиз Ғирнинг шамолига отилиб кетди, жойидан туролмай қолди, мастонлар шошиб қолди, дуосини ўқиб, тилсимди тупроққа солиб Ғирга отгунча Ғирот уч қабоқ ошиб кетди. Шунга Жорхун мастон Дониш вазирга: «Энди бир балога йўлиқдик, Ғир борса Чамбилнинг шерлари келса, олти ойлаб уруш бўлса ҳам Нуралини олади, шаҳарни вайрон қилади. Мен ҳозир Семурғ бўламан, Ғирнинг изидан қуваман, ёки ўзим ўламан, ё Ғиротни бир бало қиламан, Чамбилга киритмай корини қиламан, гўштини ғажирга бераман»,— деб Семурғ қуш бўлиб, ҳар панжага саксон ботмон тош олиб осмонга кўтарилди.

Энди мастон бу фалакка учади,  
Қанотлари кун нурина тўсади.  
Ҳар панжага саксон ботмон тош олиб  
Ғир кетидан яшиндай бўб боради.

Қорақумда кўрди Ғирнинг чангини,  
Ғир жонивор чўзиб тайлар тонгини.  
Устига кеб мастон давра айлади,  
Юборайин ўлдиратган тошингни,—

Деди-да мўлжаллаб тошини отди,  
Саксон ботмон тоши зангиллаб кетди.  
Жонивор уйрилиб кўкка қаради,  
Қуйруқ булғаб<sup>1</sup> тошга чар бериб кетди.

Аччиқ билан яна тошди тайлади,  
Бу тоши ҳам товдай қулаб келади.  
Жонивор чап бериб ўзини отди,  
Саксон жилға тош остида қоб кетди.

Саксон тошни отди фойда бермади,  
Парчаси ҳам Ғир бедовга тиймади,  
Жорхун эди қаттиқ аччиқ қилади.  
Қуваётир, бу Ғиротни қўймади.

Яшиндай бўб энди ўзин тайлади,  
Ҳар муқомда назари Ғир ўйлади,  
Тепмоқчи бўб келган эди устидан,  
Гавдасини бир қояга жойлади.

<sup>1</sup> Булғаб — буриб.

Теполмади яна қайтди изига,  
Еру осмон кўринмайди кўзига.  
Жорхун мастон тошди олиб жорқиллаб,  
Яна келди Фир бедовнинг устига.

Фир жонивор қамишни тузатди,  
Кўлтигидан қанотини узатди,  
Жорхун мастон тошни кўзлаб ташлади,  
Қоядан ўзини фалакка отди.

Жонивор фалакка чиқиб боради,  
Бу бедовга мастон ҳайрон қолади,  
Ё ўлай деб, ё қолай деб бу мастон,  
Изидан қўйилиб ичиб жўнади.

Изидан келганда Фирот тепади,  
Олдидан келганда овиз солади.  
Устидан келганда энди бу мастон,  
Жонивор абжиланк қилиб қияди.

Неча марта мастон чангал солади,  
Фир сонидан қон тирқираб чиқади.  
Мастонни ҳам Фир тишлади бовридан,  
Ерга қараб, қон қўйилиб оқади.

Чархи фалак бўлиб кўкда олишар,  
Ушлаганда гирриллашиб кетишар.  
Бўйинга об иккови ҳам ўлимди,  
Гоҳ тишлашиб, гоҳ тепишиб қолишар.

Жониворга жабр ўтиб боради,  
Фалакда гирриллаб икки кишнади.  
Қизил қонлар бу фалакдан томчилар,  
Вафодор Фир икки кўзин ёшлади.

«Қуррий» деган товуш етди фалакка,  
Кўзин солиб қаради Асқар тоққа.  
Бир қояда чориллаб чақиради,  
Добили ярқиллаб бир одам якка.

Жонивор олишиб пастга жўнади,  
Асқар тоққа энди яқин келади.  
Ярқиллаб олов-ўқ ўтди ёнидан,  
Бу мастоннинг кўзи ўнгиб боради.

Учаман деб уюлмади қаноти,  
Бошидан учдимни мастон давлати.  
Фирот бурилиб орқасига қараса,  
Мастон йиқилди, қолмай қуввати.

Фирот қараса мастоннинг юрагидан ўқ ўтган, эси кетиб фалакдан тошдай бўлиб қулаб бораётир. Фирот ҳамилини тузатиб, осмонда учаётир. Яна қуррийлаган товуш кела берди, жонивор чўзилиб Асқар тоғ устига паслайберди.

Фирот паслаб кела берсин, энди гапни Чамбилдан эшитинг. Орадан ўн кун ўтди. Нуралидан дарак бўлмади. Бек Соқи Авазга айтди: «Эй Аваз, улингдан дарак бўлмади, кўп кун ўтди, келмади, ё отнинг шамолига мас (т) бўлиб қуш қувиб юрибмикан, ёки бирор фалокат бўлдимикан? Худонинг ўзи асрасин, Гўрўгли Фирни олиб кел деса, Фир таблада бўлмаса, «Қани? деса Нурали минган, десам, танамдан бошимни жудо қилади, болачақам кимга қолади, энди маслаҳат қандай бўлади?» Аваз айтди: «Ҳой Соқибек, мен бермайин дедим, кўнмадинг, ўғлимдан Фирни паст тутдинг, балки мастонлик қилдинг, мени ҳам Фиримдан, ҳам ўғлимдан айирдинг», деб жаҳли чиқаётир, жойнда иргалаётир, ҳар тебранганда оёғи ерга бир қарич ботаётир. Соқи айтди: «Аваз, аччиғинг чиқмасин, мен нима ҳам биламан, уч кунда келар деган эдим, болангнинг кўнгли қолмасин деган эдим. Ҳали Гўрўгли беҳабар, бирор маслаҳат бер». Аваз айтди: «Энди бизни ҳам биров билмасин. Бу кеча иккимиз ярим кеча бедовлар белига миниб, ҳеч кимга билдирмай Чамбилдан чиқиб кетамиз. Нуралини излаймиз. Асқар товдан сўраймиз, кеча туш кўрдим, тушимда икки қанотим синди, ўзим йиқилмай турибман, бувиним қалтираб турибди. Нима бўлса ҳам, Фир билан Нуралига бир бало бўлди, кўнглим хижил бўлиб турибди». Бу гап Соқига ҳам маъқул келди. Иккови ярим кечала бедовларнинг белига миниб, ҳеч кимга билдирмай Чамбилдан чиқиб кетди. Фирнинг изини олиб, кўнглига ҳар хил гап келиб, Асқарнинг сунқай томонидан тиришадди. Қараса Фиротнинг оёғи тошларга ботиб, ўзини отиб, ери бузиб турган изларини кўриб, ҳар томонга олайтиб қарай бошлади. Бир вақт Соқи Авазни чақирди: «Берман кел Авазбек, мен ўлган бир қуш кўрдим, нағозга ўхшайди, на бир бошқа қушга ўхшайди», — деди. Аваз қушни қўлига олиб, қушнинг ҳар ёғини кўриб ҳайрон бўлиб, юрари вайрон бўлиб, ақли кетиб, икки кўзи



ялтираб, бувини қалтириб бек Соқига қараб, ўзига ўзи тасалли бериб, эй худога шукур, деб бир сўз айтиб турибди:

Аё Соқи, қулоқ солгин тилима,  
Мотам тўнин ёпсанг бўлар устима.  
Энди букирайган манинг белима,  
Ҳасса берсанг бўлар менинг қўлима.

Эй Соқижон, қисилади юрагим,  
Энди йўқди бу дунёда керагим.  
Мотам тўнин опкеб ёпкин устима,  
Соқижон, Соқиё, ўчди чирогим.

Қолар бўлдим энди, Соқи, мунғайиб,  
Энди туролмайман оёғим тойиб.  
Ҳасса бергин, Соқи, менинг қўлима  
Моли мулким қолар бўлди бесойиб.

Ҳам элимдан, ҳам отимдан айрилдим,  
Ҳам шеримдан, шунқоримдан айрилдим.  
Мотам тўнин обкеб ёпкин устимга,  
Зарларимдан, заргаримдан айрилдим.

Қуш эмасдир қара, Соқи, мастондир,  
Мастонликда кўп элларга дostonдир.  
Эй Соқижон, энди қаддим букилди,  
Душманларим кўнгли энди бўстондир.

Шукур олло, ўғлим ботир бўлибди,  
Мерган отолмаган қушни отибди,  
Асад мерган отолмаган мастонди,  
Мастоннинг юрагини туйраб ўтибди.

Ўғлим мерган бўлганига шукур-ей,  
Душманларни қирганига шукур-ей.  
Ўғлимни сақлагин, худо, саломат,  
Ёв тазирин берганига шукур-ей.

Шундай ўғлим борлигини билмадим,  
Темир ҳамдир олтинлигин, билмадим,  
Минг жонимни берсам, майли садаға,  
Элатимга ғамхўрлигин билмадим.

Езабергин Соқи гапни хатма-хат,  
Мард-номардни англаб олади элат.  
Улган бўлса мазорида қолайин,  
Уғлим бордир элим қилса зийрат.

Чамбил учун оғир бўлди гуноҳим,  
Қайга борсам бирга юрган ҳамроҳим.  
Эсиз Соқи, Ғиротдан ҳам айрилдим,  
Ғирот эди Чамбилдаги чироғим.

Алқисса, бек Аваз гоҳ йиғлаб, гоҳ ўз-ўзига тасалли бериб, Ғирнинг изини олиб бораёттир, ўлган мастонларни бир-бир кўраёттир, бек Соқи ҳам Авазга насиҳат қилаёттир. Аваз йиғласа Соқи ҳам йиғлаёттир, иккови бир-бирини суяб Зарчашманинг бўйига келди. Қаради, уйлар тикилган, араванинг изи бор, ҳаммаси қувғин етгандай кўчган, бир хил идиш-товоқлари қоб кетган, буларнинг орасида яна бир қушнинг ўлигини кўрди. Бу Авазнинг олғир қуши эди. Аваз қушни қўлига олиб, Нуралининг шу ерда банди бўлганини, Ғиротнинг ушланганлигини билди, қушнинг патини силаб, қабр қазиб кўмди. Авазнинг кўнглига ҳар хил гап келиб, Асқар товнинг устига чиқиб бораётган эди, бир отнинг кишнагани қулоғига келди. Ердами, осмондами билмади, бир вақт осмондан шориллаган товушлар кела берди. Аваз билан Соқибек катта чўққининг устига чиқиб қаради, икки нарса бир-бирини қувиб, иккови ҳам қизил бўлиб кўринади. Дурбин билан қаради, бири Ғирот, биледи, бири катта қуш ё мастон деб кўнглига келади. Аваз эси кетиб, энтикиб, қияда гандираклаб, осмонга учгандай бўлиб чўзилиб, икки қўлини кўтариб, қуррийтҳа, қуррийтилаб қичқира берди:

Сен назари тулпорим,  
Қуррий ҳайта, қуррий ҳайт.  
Чамбилга вафодорим  
Қуррий ҳайта, қуррий ҳайт.

Мен белинга бўлмадим,  
Олмос қилич олмадим,  
Ёвни нимта қилмадим,  
Қуррий ҳайта, қуррий ҳайт.

Жониворим келибсан,  
Кўплаб жабр кўрибсан.

Менга кишиаб турибсан,  
Қуррий ҳайта, қуррий ҳайт.

Чамбилимнинг чироғи,  
Ўзбегимнинг юраги,  
Туркманнинг жарағи,  
Қуррий ҳайта, қуррий ҳайт.

Чамбилбелнинг қалъаси,  
Оғ дулдулнинг боласи,  
Гўрўғлининг жўраси,  
Қуррий ҳайта, қуррий ҳайт.

Чамбилимнинг юлдузи,  
Ёруғ берган кундузи,  
Элатим олқондози,  
Қуррий ҳайта, қуррий ҳайт.

Саксон Чамбилнинг қори,  
Тиниқ оққан наҳори,  
Ўзбек, туркман баҳори,  
Қуррий ҳайта, қуррий ҳайт.

Болаларнинг бахтисан,  
Гўрўғлининг тахтисан,  
Булутларнинг сахтисан  
Қуррий ҳайта, қуррий ҳайт.

Бек Аваз қичқира берди, бек Соқи ҳам Авазга қўшилиб юраги дупиллаб, жўли бўлиб<sup>1</sup>, кўзига ёш келиб, бул ҳам «қуррий ҳайт»лаб бақира берди. Оғ билан мастон олишиб ерга яқинлаша берди. Шунда Аваз камонни қўлига олиб, ёнар ўқдан тўққизини кўзлаб, оёғини тираб, бор кучи билан камонни тортди, ёйнинг ўқи ёниб, яшиндай оқиб кетди. Мастон билмай қолди, тўққиз ўқ юрагини туйраб ўтди, мастон ўзидан кетди, кўзи ўнгиб пастга тайлаб кетди. Фирот айланиб аста-аста Авазнинг устига кела берди. Соқи билан Аваз қуррий-ҳайтлай берди.

Фалакдан уйрилиб Фирот келади,  
Чарчаганда кўкда кишиаб келади.

<sup>1</sup> Жўли бўлиб — шодланиб, хурсанд бўлиб.

Қуррий ҳайтлаб қичқиради бек Аваз,  
Қўнгли ўсиб, кўзни ёшлаб келади.

Корсондай туёғи ерга-ку етди,  
Авазхон туролмаи ўзини отди.  
Фалакда азобни кўрган Фироти,  
Жонивор кейиндан чуйишиб кетди.

Зарбидан ерлар ҳам қазилиб кетди,  
Даралар, товлар ҳам бузилиб кетди.  
Авазга узалди бўйини чўзиб,  
Соқини кўнгли ҳам эзилиб кетди.

Авазнинг тўшига бошни қўйди,  
Булуллар туролмаи жалосин қўйди,  
Фиротнинг кокилин Аваз искади,  
Соқи ҳам хўрсиниб Фиротни суйди.

Фиротнинг ёлини Аваз силади,  
Туролмаи тоғларининг боши қулади,  
Авазман Соқини искар жонивор,  
Қорлар ҳам ёшларин териб жилади.

Авазнинг тўшидан бошни олади,  
Бош кўтариб Чамбилига қаради.  
Соқи дори кўяберди сонига,  
Тўрт туёқдан чақиллаб тер оғади.

Аваз, Соқи билан Фиротни силаб-сийпаб қараётир,  
сонлари тилинган, дори кўяётир, жабрланган жонивор-  
нинг, ўмгани-соврисидан тер чиқиб, тўрт туёғидан оға-  
ётир. Отнинг кўп жабр кўрганини кўриб, Авазнинг кў-  
зидан ёш келаётир, боласи нима бўлганини биламаётир,  
отнинг эгаридан қараётир, эгарда қон кўрмади, душман-  
лар от устида илиб кетдимикан, деб кўнглига келаётир,  
дам Фиротга, дам Соқига қараб қичқираётир:

Соқижоним, қулоқ солгин тилима  
Билсанг айтгин, бек Нуралим қаерда?  
Вафодор Фир, қулоқ солгин сўзима,  
Билсанг айтгин, бек Нуралим қаерда?

Боғимдаги яшартирган гулимдан,  
Энди адашдимма юрар йўлимдан,

Мен букилиб, айрилдима илимдан,  
Соқи, айтгин, бек Нуралим қаерда?

Улганимда ўлигимга керагим,  
Душманларга ҳам қувватим, яроғим,  
Ҳам чироғим, ҳам юрагим, қароғим,  
Фирим, айтгин бек Нуралим қаерда?

Белимда бўлмаса олтин қиёғим,  
Одамлардан паст бўлама сиёғим,  
Учармикан бу оламдан туёғим<sup>1</sup>,  
Фирим, айтгин бек Нуралим қаерда?

Қазом тўлса қадам босмай ўлайин,  
Қаерда қолганин қандай билайин,  
Маслаҳат беринглар, нима қилайин,  
Йўлдошларим, бек Нурали қаерда?

Аваз бу гапларни Соқи билан Фирга қараб айтди, иккови ҳам мустар бўлиб турди. Охири бек Соқи айтди: «Э, Авазбек, шундай қилсак, араванинг изини олсак, шу из билан кетаверсак, Нуралини топармиз, эсон-омон Чамбилга олиб кетармиз». Шунда Аваз: «Ҳали бу гаплардан Гўрўғли султон беҳабар. Бу ишларни қилган душман дим<sup>2</sup> турмас, секин Фиротни олиб кетганимизни билар, бир хиллари бизларни кузатиб турар. Фирнинг ҳам кетганини билар, Чамбилга бостириб келар, отамга қиёмат бўлар, Чамбил эли таланар, бу кундан ҳам у кунимиз қийин бўлар, ортинг қувватли бўлса, аркони давлат сеники, деган гап бор. Чамбилда Фирот турса, дарахтнинг томири қувватли бўлади. Шунинг учун сен билдирмай Фиротни Чамбилга олиб борасан, билмагандай бўлиб юрасан, бир ойда келсам, келарман, келмасам Гўрўғлига бор гапни айтасан. Энди мен ёлғиз Мажнунни миниб кетаман, уларнинг изини оламан, аввали эсон-омон келаман. Нуралини қаерда бўлса ҳам топаман», — деди. Соқи айтди: «Фиротни миниб олсанг мингдай бўлар эдинг, ёлғиз бўлсанг-да, шердай бўлар эдинг. Мен Чамбилга бориб бор гапни Гўрўғлига айтсам», Аваз: «Бир одам билан Чамбил бузилмайди, душман писиб қараб турган бўлса нима бўлади. Фир жонивор-

<sup>1</sup> Номим, давомчим.

<sup>2</sup> Дим — жим.

нинг ҳам қоли қолмагандай, айтганига кўнгин, Чамбилга боргин, Фиротга қараб тургин», деб хушлашиб, бир ойда қайтишга ваъдалашиб тургани:

Бирга юрган, эй бек Соқи,  
Соқи, сардорим хуш энди.  
Чамбилимда олғир този,  
Тозим, шунқорим хуш энди.

Юрар эдик ўйнаб, кулиб,  
Хафа қилмай кўнлинг олиб,  
Даврамизда девни уриб,  
Соқи, аждарим, хуш энди.

Қайга борсак бирга бўлиб,  
Душман кўрсанг нимта қилиб,  
Кувсак учар қушди олиб,  
Жўшқин наҳорим, хуш энди.

Сен йиғласанг, мен йиғладим,  
Сен қуласанг, мен қуладим,  
Нор тиласанг, мен тиладим,  
Соқи, тилакдош хуш энди.

Чамбилбелнинг ори бўлган,  
Душманларнинг шўри бўлган,  
Бедовларнинг пири бўлган,  
Шунқор бедовим, хуш энди.

Ўзбек, туркман хизматкори,  
Давраларнинг соҳибкори,  
Созандаси, гул баҳори,  
Давра ободи, хуш энди.

Адолатда сенсан қози,  
Элатимнинг қиши, ёзи.  
Мен ўлсам, Фир, бўлгин рози,  
Тенгсиз олғирим, хуш энди.

Товлар бошин чалар туман,  
Урушли кун қолиш ёмон,  
Келолмасам агар омон,  
Рози бўл, Соқи, хуш энди.

Аё Соқи, мен бош урдим,  
Бош урсам тоғларни сурдим,  
Елғиз қизимни толширдим,  
Кўриш гумондир хуш энди.

Елғизимни сен, қалъам, де,  
Кўнглини олгин, болам де,  
Болангдай кўр, шириним, де  
Ширин сардорим, хуш энди,—

Деди-да Аваз жўнади,  
Хўрсиниб Соқи йиғлади.  
Ғирот эргашиб боради,  
Айрилиқ бўлди, айрилиқ.

Қол, деб Ғиротни силади,  
Жонивор қолмай боради.  
Аваз ҳам бўзлаб йиғлади,  
Айрилиқ бўлди, айрилиқ.

Дуони Соқи беради,  
Ғирот хўрсиниб туради.  
Шунқор айрилиб жўнади,  
Айрилиқ бўлди, айрилиқ.

Алқисса, бек Аваз Соқидан дуони олиб, Ғиротни силаб-сийпаб қолдириб, якка ўзи бўтасидан айрилган нор туядай бўзлаб, Мажнуунни ҳезлаб, араванинг изини олиб, тов теракдай ирғалиб, сўрагали одам йўқ, кўринган гиё (ҳ)дан Нуралини сўраб кетаётгани:

Баланд товлар, баланд товлар,  
Бағрингдан болам ўтдима?  
Тик қияли, баланд зовлар,  
Олдингдан болам ўтдима?

Утади неча-нечалар,  
Умирга хардор кечалар,  
Минг йилни кўрган арчалар,  
Остингдан болам ўтдима?

Менинг ҳолима қаранглар,  
Юрагим очиб сўранглар,  
Силжиниб турган зараңлар,  
Зер йиглаб, болам ўтдима?

Йиғлайди кўнгли хасталар,  
Пўлатни чўзар усталар,  
Зов бошидаги писталар,  
Пастингдан болам ўтдима?

Осмонда қараган ойлар,  
Яйловда ўйнаган жойлар,  
Саҳарда турган тўрғайлар,  
Туртиниб болам ўтдима?

Товларда жойнаган гуллар,  
Ханда айлаган булбуллар,  
Боши ҳам кети йўқ йўллар,  
Устингдан болам ўтдима?

Авазбек сўраб боради,  
Аланглаб кетиб боради,  
Остидаги Мажнун от,  
Яшиндай кетиб боради.

Авазбек отни қистади,  
От ҳайдашларга устади,  
Кетаётир-да жонивор,  
Асқар товлардан пастлади.

Жилға билан сойлардан,  
Тайлаб кетиб боради.  
Қамчи берса бедов от,  
Ўйнаб кетиб боради.

Катта-катта тошлардан  
Ирғиб ошиб боради.  
Баланд-баланд қоядан  
Ташлаб кетиб боради.

Чумчуқ қўнмас жойлардан  
Шарта босиб боради.  
Тўрғай учмас жойлардан  
Тунда кетиб боради.

Бўри тошган жойлардан  
Бўрон бўлиб боради.  
Арслон қолган жойлардан  
Ойдаи бўлиб боради.



Орқа боши жийрилиб,  
Куёндай бўб боради.  
Қулоқлари чимрилиб,  
Лочиндай бўб боради.

Тўрт оёқнинг тушиши  
Яшин келиб тушгандай,  
Туёқнинг тош отиши  
Арабнинг минг тўпидай<sup>1</sup>.

Қирдан қирга ошиши  
Уқдан қочган қулондай,  
Бурнидан пишқириши  
Шаҳар ютган илондай.

Кетаётир диркиллаб,  
Оқар сувдай шарқиллаб,  
Қимтинади жонивор,  
Олқардай бўб диркиллаб,

Устидаги бек Аваз,  
Кетаётир, болам, деб.  
Боши гангиб бек Аваз  
Ийглаётир, бўтам, деб.

Бошидаги дубили  
Қозоқнинг оқ уйидай.  
Ийнидаги совути  
Товнинг кўланкасидай.

Мурити<sup>2</sup>нинг қайтиши  
Исфиҳоннинг тиғидай,  
Бўридай бўб тиклаши  
Аждарҳонинг кўзидай.

Ҳар бир ийни қирдай бўб,  
Овсираган шердай бўб,  
Елғиз кетиб боради,  
Бир бўсаям мингдай бўб.

Енидаги исфиҳон  
Тутаб кетиб боради,

---

<sup>1</sup> Тўпидай, тўдасидай.

<sup>2</sup> Мурити — мўйловчи.

Абдал найза олдида  
Жутаб кетиб боради.

Кун ўтгандан кун ўтди,  
Неча говлар қоб кетди.  
Хайдай-ҳайдай бек Аваз  
Жунхай товигга етди.

Ана энди Аваз бора берсин, қолган гапларни Дониш вазирдан сўранг. Мастон Фиротни қувиб кетди, қирқ араванинг ўттизтаси бузилиб кетди, араванинг устидаги юклар ҳам ҳар тарафга отилиб кетди, неча қизнинг юраги ёрилиб қоб кетди. Қолган араваларга бор юкларни ортиб жами йиғилиб бир аравага Нуралини жойлаб, Жунхай тоғига етди. Сардорларга бор гапни айтди, орадан беш кун ўтди, мастондан дарак бўлмади, бошқа мастонлар қуръа ташлаб кўрса мастон ўлган. Фирот омон қолган, буни Дониш вазирга билдирди. Дониш туриб айтди: «Яна қуръага қаранглар, изимиздан бирон киши тушганми ёки бизни билмай бошқа шаҳарга йўл олиб кетганми?» Мастонлар шунга кўра ташлади, бўлмади, бирор аниқроқ хабар бермади. Дониш вазир: «Энди шу ерда олти ой турамиз, бирор киши келса бир ёқли қиламиз. Агар Гўрўғли лашкар тортиб келса ҳам урушни шу ерда қиламиз, чунки бу тошларда ҳар қандай от ҳам тез чополмайди, бу ерлар отишга қулай бўлади. Биз подшога хабар берамиз, бутун лашкарларни олиб келади, шу ерда уруш бўлади, худо ё унга беради, ё бизга беради. Мамлакатга қайта берсак ҳам бўлади, лекин улар билса исмгарлигини қилади, ҳеч ким билмай қолади, билдирмай мамлакатни вайрон қилади, шу урушдан кейин ё Нурали ўлади ёки подшонинг қизини олади», деб подшоликка хабар юборди.

Орадан қанча вақт ўтди. Бир кун соқчилар бир отлининг отни тез ҳайдаб келаётганини хабар берди. Дурбинни тутиб қаради. Нуралининг отаси Аваз деб гумон қилади ва лашкарлар пистирмага киради. Худо энди кимга беради. Аваз тикка лашкарлар устига келаётган жойи:

Баланд говнинг бағри қор,  
Айрилганлар зору зор.  
Мажнун ўйнар остида,  
От ҳайдар Аваз шунқор.

Лашкарларни кўрган йў  
Пистирмани билган йў.  
Болам, деб келаётир,  
От ҳайдади, турган йўқ.

Душман дўстинг қасдига,  
Қирсин ёрнинг остига.  
Душманлардан беҳабар,  
Ҳайдай берди устига.

Бедов от олчи чикка,  
Душман кўп, Аваз якка.  
Беҳабар бўб боради,  
Устига ҳайдар тикка.

Сарғаймасин нурли юз,  
Айтаберсам сўзма-сўз;  
Яқинлашди бек Аваз,  
Бўлиб қолди юзма-юз.

Гала душман хезланди,  
Милтиқ олиб тезланди,  
Елғиз шунқор Авазга  
Ун минг милтиқ кўзланди.

Сабил Ғирот бўлмади,  
Бу душманни билмади.  
Ун минг милтиқ кўзланди,  
Аваз шунқор кўрмади.

Товлар боши бузилди,  
Уққа ерлар қазилди.  
Ун минг милтиқнинг ўқи  
Бек Авазга чўзилди.

Гумбирлаган товушга  
Ерлар ҳам титраб кетди.  
Товлардаги қор эриб,  
Сойни сув босиб кетди.

Ким ўлди-ю ким қолди,  
Бек Авазга не бўлди?  
Тутунлар босиб кетган,  
Авазхон қайда қолди?

Болам, деб келган Авз,  
Боласидай-бўямасин,  
Бир элатнинг шунқори  
Эсиз ёлғиз ўлмасин.

Бек Гўрўгли болам деб,  
Кенг Чамбилда қолмасин.  
Янги чиққан ниҳолди  
Бугун яшин урмасин.

Гулинор қиз Чамбилда  
Сағир бўлиб қолмасин.  
Ой Узумкўз тўрам деб,  
Қора сочин қолмасин.

Ҳай аттанг-а, ол марди,  
Худо берсин бахтини.  
Емонга ким йиғлайди,  
Берсин душман додини.

Емонга ким йиғлайди,  
Элга хизмат қилмаса.  
Ботир йиғит — эл бахти,  
Ҳеч ёмонлик қилмаса.

Қаҳрамоним Авазни  
Тугун очиб қарайин.  
Отган ўқ тошга тийсин,  
Бек Авазни сўрайин.

Ялтиллайди яшиндай,  
Қилч кўриниб кетди.  
Аваз шунқор кўринди,  
Кўнглим бузилиб кетди.

Шод бўлгандан кўзимдан  
Ёшим тўкилиб кетди,  
Аваз қилч сермади,  
Товлар бузилиб кетди.

Тенгсалади бек Аваз,  
Беш жойидан жорали.  
Тов бошида бойланган,  
Йиғлаётир Нурали.

Тиклаб Нурали қаради,  
Аттанг, ёш-да, йиғлади.

Тўхтатолмай ўзини,  
Оталаб қичқиради.

Ҳали Аваз кўрган йўқ,  
Бек Нурали улини,  
Қилич солиб кесади,  
Минг душманнинг белини.

Ўқ тийганин билган йўқ,  
Билса кўзга илган йўқ.  
Солаётир «урра»лаб,  
Ўзим якка деган йўқ.

Душман турди жойидан,  
Аваз кетди оралаб,  
Ялтиллашар исфиҳон,  
Сермаганда шариллаб.

Шундай қатти жанг бўлди,  
Товлар қулашиб кетди,  
Қиличлар сермаганда,  
Юлдузлар учиб кетди.

Қирғин шундай бўлдики,  
Ўлик тоғдай уюлди.  
Оқар сувдай шарқиллаб,  
Қизил қонлар тўкилди.

Уруш шундай бўлдики,  
Булутлар қочиб кетди.  
Туrolмади жондорлар,  
Қушлар ҳам учиб кетди.

Солиш шундай бўлдики,  
Сойлар каллага тўлди.  
Одамзод қамиш бўлиб,  
Бу қамишга ўт тушди.

Уруш шундай бўлдики,  
Ой ҳам юзни беркитди,  
Қон сочилиб осмонда,  
Булутни бўяб кетди.

Уруш нимаси яхши,  
Ота улдан айрилар.

Оналари болам деб,  
Уйда сочини юлар.

Бир-бирини билмайди,  
Асло писанд қилмайди.  
Ишқибози каллади (р),  
Улса ўлдим демайди.

Боври куйган бек Аваз,  
Бола учун баш кесар.  
Эси йўқми душманлар,  
Аваз билан талашар.

Аваз қилич сермаса  
Ўнлаб бошлар узилар.  
Аччиқ билан узатса  
Қилич қирқ газ чўзилар.

Ҳар қилич сермаганда  
Ҳаволар тутаб кетди.  
Душман сафи бузилиб,  
Ҳар томон тўзиб кетди.

Хон Аваз ҳайқиради  
Оқар сувдай шарқираб.  
Душман қочиб жўнади  
Ўлдимлашиб, тирқираб.

Қочаётир душманлар,  
Азириил тушгандай.  
Қарай олмас кейнига,  
Аждар хезлаб етгандай.

Улмагани ўлдим деб,  
Ўзин ерга ташлади.  
Жон Авазбек қараса,  
Ўлдимлаб кўз ёшлади.

Душманларнинг қочиши  
Шамол булут сургандай.  
Қўйдай қочиб боради  
Тушда бўри кўргандай.

Тов устида Нурали,  
Кулиб қилди томоша.

Энди душман тортси-да,  
Азобига яраша.

Ҳали бачча Нурали,  
Қаҳ-қаҳ отиб кулади.  
Кулма, дейди душманлар,  
Нуралини уради.

Таёқ ўтмас жонига,  
Ога, деб қичқиради.  
Душманлар қолди қўрқиб,  
Ўлдимлаб бақиради.

Ҳай аттанг-а, бўлмади.  
Отасини кўрмади.  
Қўрқиб қолди Нурали  
Ул нимадир кўрмади.

Булут босиб келдима,  
Ёки тоғлар юрдима.  
Ҳайрон бўлди Нурали  
Чумолилар турдима?

Ана энди Гапсаршоҳдан гап эшитинг. Гапсаршоҳ Долиш вазирнинг элчисини кўриб, бутун воқеаларни билиб, вазирнинг гапини маъқул кўриб, бутун лашкарларнинг ҳаммасини жийиб, юзта туғ кўтариб, ҳар бир туғга бир лашкарбошидан қўйиб, ҳар бир туғга мингдан ошиқ лашкар йиғиб, ҳамма лашкарни жам қилиб чашка-чашкада етиб келган эди, урушнинг устидан чиқиб қолган эди, қочганларини қайириб, тоғ устидан булутдай бўлиб тўкилган эди. Бунн бек Нурали кўрган эди, эси житган эди. Мажнункўк толиб қолган эди. Авазнинг ёрли жойларидан қон кетган, ҳоли қолмай, кўзи тиниб, от устида зарил турган эди. Душманлар олдидан чиққанда нима қиларини билмай турган эди. Оталаган товуш қулоғига келди. Бек Аваз қаради, тоғ устида арваларни кўради, Нурали бўлса бир кўриб ўлайин деб шу томонга ҳайдади:

Ҳайдар Аваз бедовни  
Орқа товнм қалъам, деб.  
Тезлаб, хезлаб боради,  
Борми, йўқми болам, деб.

Ғирим бўлса бир сурсам,  
Улсам тақдирдан кўрсам,  
Елғиз ўғлим бормикан,  
Уғлим кўриб жон берсам.

Меҳр тўла кўздан,  
Мен айлансам ўздан,  
Упиб ўлсам армон йўқ,  
Ойдаи бўлган юздан.

Отни ҳайдаб қаради,  
Нуралини кўради,  
Икки қўли бойланган,  
Ота деб қичқиради.

Ёши булоқ сувидай  
Икки кўздан оқади,  
Қокили ой нуридай  
Йиғида ирғалади.

Ота деб йиғлаганда,  
Отлар йиғлаб боради.  
Тортиниб йиғлаганда,  
Товлар ларзон беради.

Боласин кўриб Аваз,  
Кўзи тиниб боради,  
Ғапиролмай, болам, деб,  
Юрак тўлиб боради.

Кўриб турган душманлар,  
Аввал қочиб жўнади.  
Бир хилиси хўрсиниб,  
Энди йиғлаб боради.

Аваз Мажнундан отди  
Нуралига ўзини.  
Болам, деб ўкиради,  
Тутолмайди ўзини.

Оёғига бош қўйиб,  
Эсим Аваз йиғлади.  
Бешин тайлаб Нурали  
Ота деб ялинади.



Икки қўли бойланган,  
Эгилиб келолмади.  
Отасининг бошига  
Бошини қўёлмади.

Отажон, деб юзидан  
Қучоқлаб ўполмади,  
Отасидан айланиб,  
Сўнг ўзи ўлолмади.

Авазнинг оёғига  
Бошини қўёлмади,  
Отажон, деб қучоқлаб,  
Исига тўёлмади.

Ийғлаётир кунига  
Бирор гап деёлмади,  
Гапиролмай хўрсинар  
Отажон, деёлмади.

Душманлар келди босиб,  
Бек Авазни бойлади.  
Авазбекнинг ҳуши йўқ,  
На бойладинг демади.

Тирими, ўликлигин  
Душманлар ҳам билмади.  
Ийғлаётир Нурали,  
Душманлар бор демади.

Сўйландиё, сўйланди,  
Икковиям бойланди,  
Отаси ҳам боласи  
Аравага тайланди.

Душманлар икковини ҳам бойлаб маслаҳат қилдилар. Подшо туриб айтди: «Эй вазир, энди бедовларнинг белига минсак, Чамбил қараб бостириб борсак, Гўрўғлини банди қилсак, ундан сўнг ҳаммасини қиличдан ўтказсак қандай бўлади?» Вазир айтди: «Подшоҳим, Чамбилга бостириб бўлмайди, борган омон келмайди. Шернинг ургочиси ҳам шер, Чамбилнинг ҳар хотини ҳам сенинг ўн лашкарингга тенг. Албатта, Гўрўғли тинч турмайди, бу хабарни билади, қўшин тортиб келади, сўнг бу ерда уруш бўлса бўлади. Бу ер

биз учун фойда беради, тошлар от чопишига тўсқинлик қилади. Агар уч ойда ҳам Гўрўғлидан хабар бўлмаса, сўнг бошқа иш қилсак бўлади. Ҳали Ғирот ҳам Чам билда, келганда қандай бўлади, худо билади. Бир Авази шунчага тенг келади, энди ҳамма тақдирдан кўради». Бу гап ҳаммага маъқул келди.

Эндиги гапни Чамбилдан эшитинг. Бир кун хон Гўрўғлининг кўнгли қуш гўшини тусаб қолди. Эрталаб вазирга буюрди. Вазирлар Асад мерган билан Шодмон мерганни ҳозир қилди. Мерганларга овга борамиз, тарадду кўринглар, деб хон Авазга одам юбориб, ўзи Соқининг қошига кетди. Тош таблага етди. Қараса, бек Соқи Ғиротнинг ярали ерларига дори қўйиб ётибди. Буни кўриб султоннинг жаҳли келиб: «Ҳов Соқи, Ғиротни нима қилдинг?»— деб қаҳри келиб, икки кўзи шокосадай бўлиб, мурити кейтига чаппа қайтиб, муритига қор тушиб, бадани шишиб, бадандаги туклари кўйлагини тешиб, икки оёғи чиппа-чиппа ерга ботиб, Соқибекка қараб бир сўз деди:

Олисларга юрганымда қанотим,  
Соқи, нима бўлди менинг Ғирима?  
Ҳам Чамбилим, ҳам элатим, давлатим,  
Соқи, нима бўлди менинг Ғирима?

Майин эди неча ёли эшилган,  
Қон қуйилиб сонларидан тешилган,  
Қулоқлари бир-бирига қўшилган,  
Соқи, нима бўлди менинг Ғирима?

Чу, демайин ошар эди Асқардан,  
Номус билан орни олган ҳар ердан,  
Баданлари тоза эди ҳар қордан,  
Соқи, нима бўлди менинг Ғирима?

Уйлаб турсам душманлигинг билдирдинг,  
Дўст йўғлатиб, душманларни кулдирдинг,  
Билмай қолдим, мени доғда қолдирдинг,  
Хумса, нима қилдинг менинг Ғиримни?

Сағир қолдирасан энди болангни,  
Уйламайин мен кесаман каллангни,  
Бесойиб қолдирдинг энди қалъангни  
Саёқ, нима қилдинг менинг Ғиримни?

Деда-да, султоннинг қаҳри келади,  
Ғилофдан суғуриб қилич олади,  
Шариллатиб тортиб олди қиличчи,  
Қиличнинг ғилофи тутаб боради.

Шунда «бобо» деган сўз ҳам келади,  
Аввал султон бир бурилиб қаради.  
Бир қараса, Гулинолдай фарзанди  
Бўсага суяниб йиғлаб туради.

Гўрўғли бунни кўриб шашти қайтиб, қиличчи туши-  
риб, Соқи қочиб кетмас деб, Гулинорни кўриб кўнгли  
бўшашиб, «Сенга нима бўлди?» — деб Гулиноридан гап  
сўраб тургани:

Жоним болам, қулоқ солгин тилима,  
Не сабабдан бўсагада йиғлайсан?  
Ҳар хил гаплар келаётир кўнглима,  
Ростини айт, не сабабдан йиғлайсан?

Чамбилимда бирор гаплар ўтдима,  
Еки онанг бирор сўзни айтдима,  
Отанг гапи юрагингга ботдима,  
Мен боримда не сабабдан йиғлайсан?

Богда ўсган соя берар терагим,  
Емон кунда орқамдаги керагим,  
Қоронғида бахтим бўлган чироғим,  
Мен тиримда не сабабдан йиғлайсан?

Ё бўлмаса бир фалокат бўлдяма,  
Ҳайрон бўлиб ота-онанг қолдима,  
Нуралини бирор касал чалдима,  
Мен шоҳликда не сабабдан йиғлайсан?

Сен йиғласанг менинг бағрим эзилар,  
Кўзларимдан қатор ёшлар тизилар,  
Тош юрагим кесакдай бўб бузилар,  
Мен турганда не сабабдан йиғлайсан?

Бу сўзларни хон Гўрўғли айтаётир. Гулинор — эрка  
қиз бўсагада йиғлаётир, иккаласининг дардини Соқи  
билаётир, худо, ўзинг сақла-да, деб сўз айтмай кали-  
ма қайтараётир, ростини айт, деб Гўрўғли қистаётир.  
Шунда Гулинор икки овуз сўзлаётир, ҳар сўзлаганда

кўзидан ёш тизилиб келаётир, ёшнин қизлар артаётир.  
Гулинорнинг сўзи:

Жоним бобо, қулоқ солгин тилима,  
Куйганимдан бўсағанга йиғлайман.  
Шунқор майиб қилган нордай белинги,  
Белим ушлаб бўсағанга йиғлайман.

Бетма-бет бўб айтолмадик ўзимиз,  
Кеча-кундуз ёшга тўлган кўзимиз,  
Бугун айтар бўлдиқ ҳарна сўзимиз,  
Шу сабабдан бўсағанга йиғлайман.

Кеча йиғлаб-йиғлаб энам туш кўрди,  
Тушида бир қарчиғайли қуш кўрди,  
Қарчиғайнинг ҳам кўзида ёш кўрди,  
Тушга қараб бўсағанга йиғлайман.

Қарчиғай боласи ўтга тушибди,  
Бўз қарчиғай ўтга ўзин отибди,  
Ой билан кун бирга-бирга ботибди,  
Буни кўриб бўсағанга йиғлайман.

Бир ой бўлди йўқ Нурали дарағи,  
Ўчдимикан бек оғамнинг чироғи,  
Тўхтадима мендай опа юрағи,  
Хаёл суриб бўсағанга йиғлайман.

Йигирма кун ўтди отам келмади,  
Уйга келиб бирор сўзни демади,  
Ғамхўр энам бирор гапни билмади,  
Ғамгин бўлиб бўсағанга йиғлайман.

Бугун келдим, бобо, сизни билар деб,  
Бек оғамдан бирор хабар берар деб,  
Мендай муштипарни хурсанд қилар деб,  
Умид қилиб бўсағанга йиғлайман.

Бөшимда соябоним эгамдан,  
Ушлаганда узилмаган жағамдан,  
Айрилдимма юракдошим оғамдан,  
Рост айтар деб бўсағанга йиғлайман.

Икки давлат қушим, бобо, ўлдима,  
Мендай шўрли соябонсиз қолдима,

Дўстим йиғлаб, душманларим кулдима,  
Мустар бўлиб бўсағангда йиғлайман.

Олтин кўшким бугун обгор бўлдима,  
Наврўз гулим ногаҳонда сўлдима,  
Ақли ҳушим бугун худо олдима,  
Рангим сўлиб бўсағангда йиғлайман.

Бобожоним, ростини айт, билайин,  
Эсон бўлса мен йиғламай ўлайин,  
Ғамли бўлса юриб нима қилайин,  
Рост айтгин деб бўсағангда йиғлайман.

Бу сўзни бек Нуралининг опаси, Авазбекнинг ёлғиз қизи Гулинор ойим айтди, султон Гўрўғлининг эси кетди, нима деярини билмай қолди, ҳайрон бўлиб, кўзи шокосадай ёниб, гоҳ Гулинорга қараб, гоҳ Ғирот билан Соқига қараб энтикиб, қўлидан қиличи тушиб, эси кетиб турган эди, Соқи бу гапга аралашиб, кўнглида айтмасам бўлмас, ундай-бундай гапга Гўрўғли кўнмас, бари бир мендан сўрайди, деб султонга қараб, бир қошиқ қонимдан кечсангиз мен айтиб бераман, деб таъзим қилиб, кўзидан ёши оқиб турди. Фалокат бўлганин Гўрўғли билди, Соқибекка айт, деб буюрди. Ана энди Соқибекнинг айтиб турган сўзи:

Қулоқ сол, султоним айтар тилима,  
Ёлғон демай мен ростини сўйлайин.  
Айтай десам ғам қуйилар кўнглима,  
Нима бўлса энди ростин сўйлайин.

Бек Нурали овга бормоқ бўлади,  
Авазхондан кеб Ғиротни сўради,  
Шул Ғиротни бермади деб йиғлади,  
Раҳми келиб олиб бердим тулпорим.

Уч кун эди бориб-келар муҳлати,  
Ярим кеча миниб кетди Ғиротди.  
Уч кунда келмади Чамбил давлати,  
Аваз билан қараб чиқди Нурхонди.

Ғирнинг изин олиб кетиб борамиз,  
Сизнинг қаҳрингиздан қўрқиб борамиз,  
От билан Нуралини сўраб борамиз,  
Аваз билан қараб чиқдим Ғиротди.

Бир қушнинг ўлигин Аваз олади,  
Қушга қараб, аттанг, деди, йиғлади,  
Ҳақ эгамдан соғлиғини тилади,  
Аждар билан қараб чиқдим Нурхонди.

Зарчашмада кўп арава изи бор,  
Улиб қолган бек Авазнинг қуши бор,  
Болам деб йиғлади Аваз зўравор,  
Ботир билан мен қарадим Фиротди.

Осмону фалакдан товуш келади,  
Аваз билан мендай Соқи қаради.  
Икки қора бир-бирини талади,  
Султон билан мен қарадим Нурхонди.

Осмонда кишнайти Фирот жонивор,  
Орқасида бир баҳайбат маҳлуқ бор,  
Ўқ узиб нуратди Аваздай қайсар,  
Йўлбарс билан мен қарадим Фиротди.

Кишнаб Фирот ерга келиб қўнади,  
Аваз билан Соқи ёлин силади,  
Кўнгли қаттиқ Аваз шундай йиғлади,  
Қайтмас билан мен қарадим Нурхонди.

Қайт, деб менга шул Фиротни беради,  
Мажнун билан шунқорига жўнади,  
Бир ой деб ўртага қўйди муҳлатди,  
Мени ташлаб қараб кетди Нурхонди.

Қараб ётдим бир ой ўтса келар деб,  
Сиздай султонимни билмай қолар деб,  
Агар айтсам мендай Соқи ўлар, деб,  
Сўраб ётдим Аваз билан Нурхонди.

Бугун бир ой ўтди, асло келмади,  
Бирор сайёҳ дарагини билмади.  
Бу гапни айтгунча Соқи ўлмади,  
Билмай қолдим Аваз билан Нурхонди.

Бу гапни бек Соқи султонга айтди,  
Товдайин танаси ирғалиб кетди,  
Бўсаға суяниб турган Гулинор,  
Оҳ оғам, деди-да, ўзидан кетди.

Султоннинг юраги куйиб боради,  
Оҳ, деганда тутун чиқиб боради,  
Оғам, деб йиғлади шўрли Гулинор,  
Отам, деб жонидан тўйиб боради.

Алқисса, бу гапларни Гўрўғли эшитиб ҳайрон бўлиб, эси кетиб, кимга нима деярини билмай, юраги куйиб гапиролмай қолди. Гулинор чинқириб йиғлаётир, қирқин қиз суяётир. Гўрўғли султонга қараб: «Ҳам отамдан, ҳам оғамдан айрилдим»,— деб йиғлаб туриб сўз айтаётир:

Бобожоним — боври кенгим, қулоқ сол,  
Ҳам отамдан, ҳам оғамдан айрилдим.  
Куйганимда айтар сўзим англаб ол,  
Икки бирдай ғамхўримдан айрилдим.

Қайғу тушса қора товлар бузилар,  
Жабр бўлса жона ерлар қазилар,  
Лойдай бўлиб юракларим эзилар,  
Ҳам норимдан, ҳам норчамдан айрилдим.

Юрай десам танимда йўқ мадорим,  
Қуридима икки тошган анҳорим,  
Сўлдимиқан гул чечакли баҳорим  
Ҳам қишимдан, ҳам ёзимдан айрилдим.

Яшин тушиб, тов бовридан ўйилди,  
Пўлатлар ҳам иссиқ ўтиб суюлди,  
Манглайим ўйилиб, ёшим қуйилди,  
Ҳам шеримдан, ҳам шерчамдан айрилдим.

Дунёда ҳеч суянчигим қолдима,  
Душманлар бошимга савдо солдима,  
Мендайин муштипар энди ўлдима,  
Ҳам товимдан, ҳам тўғимдан айрилдим.

Осмонда бургутимдан айрилдим,  
Қарчиғайим, қанотимдан айрилдим,  
Ҳамма мулким, давлатимдан айрилдим,  
Ҳам танамдан, ҳам жонимдан айрилдим.

Гулинор айрилдим деб йиғлаётир, йиғисини Гўрўғлининг юрагини эзиб бораётир, кўзидан ёши соқолига оқиб бораётир, Гулинорга қараб йиғлама, деб насиҳат

бераётир, ичи ўтдай куйиб бораётир. Бек Соқига отни эгарла, деб фармон бериб, белни икки жойидан маҳкам қилиб боғлаётир, ҳам Соқига, ҳам Гулинорга қараб, қиячнининг дастасини маҳкам ушлаб, икки овуз сўз қичқириб турибди:

Аё Соқи, сен тузимни билмадинг,  
Тузим ҳақлаб менга хабар қилмадинг,  
Уйлаб-уйлаб майли кечдим қонингдан,  
Хафа бўлиб қабатимга келмадинг.

Душман десам душманлигинг билмадим,  
Дўстлигингни бул ишингда кўрмадим,  
Айтмасанг ҳам қабатимга келмадинг,  
Рангинг кўриб Фиротимни сўрмадим.

Пиғламагин, жоним қизим, Гулинор,  
Ота-оғанг қайда бўлса топилар,  
Ажал етиб тандан жоним олмаса,  
Душман бизни қилолмайди хору зор.

Аваз десам ичим куйиб боради,  
Нурхон десам жоним чиқиб боради,  
Пиғламагин, Гулинорим, чирогим,  
Фалокат бағримни сиқиб боради.

Мен қарайин норчам билан норимди,  
Садақа айлайин ҳарна боримди,  
Уруш анжомини бергин, кияйин,  
Сўнгра эгарлагини чопқир Фиримди.

Аваз учун шундай майдон қурайин,  
Ер юзи титраб тарт-тарт ёрилсин.  
Нурхон учун танадан бош терайин,  
Тов бошида минг минора қурилсин.

Аваз учун исфиҳонни сермайин,  
Булутлар қип-қизил қонга бўялсин.  
Нурхон учун жон бозорин қурайин,  
Таналар товдайин бўлиб уюлсин.

Норим учун қобогимни уяйин,  
Тошқин дарёлар ҳам чаппа қурисин.  
Норчам учун қулочимни ёяйин,  
Товнинг боши қордай бўлиб эрисин.



Кўзим учун қуйинлайин урралаб,  
Зарбимдан товларнинг боши тутасин.  
Уғлим учун сермашаман оралаб,  
Қуру(қ) чўпдай танасини ўт олсин.

Душман танасини қалаб уяйин,  
Устига чиққанлар кунни<sup>1</sup> ушласин.  
Қирмизи қонларни селдай қуяйин,  
Қарвонлар ўтолмай бир йил қишласин.

Бу сўзларни хон Гўрўғли айтди, совутни кийиб, қалқонни олиб, чор ойнани тўшига тортиб, исфиҳонни белига бойлаб, абдал найзани олиб, Гулинорга қараб: «Хов Гулинор қизим, сен энди хафа бўлма, бу гапларни ҳеч кимга айтма, кўп бўлса уч ойда келарман ёки бирор хабар берарман, кўрмагандай бўлиб, даври даврон суриб, қандай бўлсанг ҳозир ҳам шундай бўлиб юравер»,— деб Гулинорга жавоб берди. Фиротни Соқи етаклаб кўшига султон билан бирга бориб эди, Асад билан Шодмон мерган ҳам кетган экан. Гўрўғли мерганларга: «Ов бир киши, икки киши билан бўлмайди. Аваздан бошқа ҳамма бекларга хабар беринглар, ҳаммаси жам бўлиб келсин, уруш анжоми хуржинида бўлсин, бир фалокат бўлса, менинг уруш анжомим йўқ демасин, мендан яхшилик кутмасин»,— деб тайинлади. Асад билан Шодмон кўча-кўчага от чошиб, ҳамма бекларни хабардор қилди. Беклар ҳам созланиб, бирин-бирин салом бериб кела берди. Шунда Ашурбек сардорни кўшига киргазиб, бўлган воқеани айтиб: «Эй Ашурбек, мен келгунча Чамбилга қараб турасан, ким арз билан келса ишини ҳал қиласан, камбағалга ёрдам берасан, беҳақ бирор иш қилмайсан, Чамбилнинг ҳар тарафидан кўз-қулоқ бўлиб турасан. Бирор фалокат бўлса сарбозлар билан халталарни қумга тўлдириб дарбозаларга қўясан, арк устидан таъзирини берасан, менинг бор-йўқлигимни ҳеч кимга билдирмайсан»,— деб оқ фотиҳа олиб, Оға Юнус билан Мисқол парининг қошига бориб, бўлган воқеани айтиб парилардан дуо сўради. Парилар Гўрўғлининг кетишини билиб, қўл кўтариб, қанча азиз авлиёларга тўрасини топшириб: «Ой бориб омон қайт, болангни эсон-омон олиб қайт, дўстинг зўр, душманинг хор бўлсин, боланг соғ-саломат бор бўлсин, жанг қилсанг душманларинг кўр бўлсин»,— деб қўл кўтариб дуо берди.

<sup>1</sup> Қуёшни.

Гўрўғли султон кўшкдан чиқиб добилни урди, добилнинг товуши бекларга етди, ўйнатиб тўбичоқни отининг устига минди. Кўринг Гўрўғли мардди, Фирнинг қошига етди, қўл узатди отнинг етим ёлига, те-  
ракдай иргилиб минди белига, Соқи жуганди берди қўлига, Фирот олчи-чикка бўлиб тушди. Чоримгарнинг йўлига, бек Соқи ҳам Қора тулпорни миниб, йигитлар билан тенг бўлиб кета берди. Чамбилдан чиқиб, Арпа даштидан ўтиб, Асқар товига етиб, хон Гўрўғли Фиротни тўхтатиб, йигитларга қараб, муритини бураб, нима учун Чамбилдан чиққанини баён айлаб бир сўз айтиб турибди:

Қулоқ солинг сардор беклар,  
Бир тўқнашув бўлар бўлди.  
Ҳилпираса олтин туғлар  
Ҳам олишув бўлар бўлди.

Душман олган Нурхонбекди,  
Бек Авазим жонин тикди,  
Мен билмадим борн йўқди,  
Кўп қиёмат бўлар бўлди.

На бўлади Чамбил қалъам,  
Кўзларимдан оқди жолам,  
Нима бўлди Аваз болам,  
Бош бериб бош олар бўлди.

Учмасин-да босган изим,  
Йўлига тўрт бўлар кўзим,  
Орқа товим Нурхон кўзим,  
Шунга Султон юрар бўлди.

От айилин маҳкам тортинг,  
Бедов отга қамчи четинг,  
Душман бўлса, қўйманг, отинг,  
Танадан бош юлар бўлди.

Биз тийинмай душман келар,  
Балки бизни паст деб билар,  
Кимлар қолиб кимлар ўлар,  
Лошлар чўлда қолар бўлди.

Қўрқоқ бўлиб кун кўргунча,  
Ботир бўлиб ўлмоқ керак,

Душман хизматни қилгуна,  
Эрта бошдан сўлмоқ керак.

Бир кун келиб, бир кун ўлмоқ,  
Душман билан дўстни билмоқ,  
Ботирликнинг бир зийнати  
Ўз элатин ҳам қўримоқ.

Чамбилимда сардорларим,  
Усталикда заргарларим,  
Аяманглар, от ҳайданглар,  
Душманга, сеҳргарларим.

Бошга тушса бир фалокат,  
Намоз ўқиб бир ракаат,  
Ҳайданг отни ботирларим,  
Авазга бўлган қиёмат.

Қайда экан Нурхон қўзим,  
Султон бўлмай кетай ўзим,  
Аждаҳарлар, от ҳайданглар,  
Қайда экан Аваз қўзим.

Соқи, ўтиб йўлни бошла,  
От боврига тақим уринг,  
Шунқорларим, отни ҳайда,  
На бўлса тақдирдан кўринг.

Ярқилласин олтин туға,  
Зарбга булут тушсин тоға,  
Аяманглар бедов отни,  
Аваздан отлар садаға.

Томоша қинг сардорларни,  
Шартта-шартта жилов тортди,  
Писанд қилмайин уларни,  
Чиппа-чиппа қамчи тортди.

Жўнади бедов ҳирқиллаб,  
Афзали ойдаи ярқиллаб,  
От ҳайдайдн қирқ йингит,  
Узангилари шарқиллаб.

Бедовлар кетди чўшилаб,  
Босган жойлари бузилаб,

Сой-сойлардан сакрайди,  
Отнинг қўлтиги ёзилиб.

Қирлардан ошиб боради,  
Сойлардан шошиб боради,  
Сувлиқни чайнаб бедовлар  
Ғайрати тошиб боради.

Тошларга тийса тиёғи  
Иккига бўлиб боради.  
Кейтига сермаб отгайсан,  
Юлдузга етиб боради.

Кенг мулдираган чўллардан  
Уқдай бўб учиб боради.  
Дуч келса катта зовлардан  
Тип-тикка тайлаб боради.

Устига минган бекларнинг  
Баҳрини очиб боради.  
Аваз учун сардорлар  
Жонидан кечиб боради.

Ботирлар борар шердай бўб,  
Ҳар ийнилари қирдай бўб.  
Кўзи ловиллаб ёнади,  
Чўлда қутирган нордай бўб.

Товма-тов ошиб боради,  
Сойларга тушиб боради.  
Қичаб, ҳайдайди султонлар,  
Тинмайди, шошиб боради.

Товлардан тикка тайлаши  
Осмонда юлдуз учгандай.  
Ҳайбат бериб бориши  
Савирда булут қучгандай.

Бедовлар борар изма-из,  
Ҳайда, дейишар сўзма-сўз.  
Туёқдан терлар томади,  
Тинмайди кеча-ю кундуз.

Сардорлар отни кеча-кундуз қистаб, тоғлардан  
ошиб, етсак деб шошиб, бораётган эди, бирдан Гўрғу-

ли отни тўхтатди, ботирларнинг қайти етди, Гўрўғли айтди: «Хў беклар, тоғ устига қаранглар, ўт олиб кетгандай заранглар». Беклар қараса, тоғнинг устида сонсиз ўтлар ёнаётир, отларнинг кишнаган товуши келаётир, хон Гўрўғли бу ётган душман эканлигини билиб, бекларга қараб маслаҳат сўраб тургани:

Аё беклар, бу кўрганинг душмандир,  
Ўйлаб-ўйлаб беклар қилинг маслаҳат.  
Ўйланмаган ишнинг кейти пушмондир,  
Бемаслаҳат бошга бўлар қабоҳат.

Қандай қилиб бек Нурхонни оламиз,  
Авазбекка қандай ёрдам берамиз,  
Қандай қилсак душманларни қирамиз,  
Сардорларим, келиб бергин маслаҳат.

Тентакнинг олдиндан кесилар боши,  
Қўрқоқнинг кўзидан оқади ёши,  
Фириб ҳам бўлади марднинг йўлдоши,  
Доноларим, келиб бергин маслаҳат.

Бемаврид нураган товнинг тошидир,  
Ақл билган одамзоднинг бошидир,  
Иш кўрсатмай ўлим номард ишидир,  
Бургутларим, келиб бергин маслаҳат.

Мард майдонда енгаман, деб бўлмайди,  
Ким енгилар, уни ҳеч ким билмайди,  
Енгилсак Авазни тирик қўймайди,  
Лочинларим, ўйлаб бергин маслаҳат.

Бу сўзларни эшитиб, йигитлар нима деярини билмай, билганлари ҳам гапини айта олмай, бўридай бўлиб жаланглаб, тўшини яланғочлаб, бирдан уруш қилмоқчи бўлгандай бўлиб турибди. Бир хил йигитлар от устида ялпайиб, қулоғи шалпайиб, бувини қалтираб, ияги титраб, кўзи ялтираб, «Душман кўп экан, қўймайди омон, жавоб берса Гўрўғлихон уйга етсак омон-эсон, саккиз кишида қарзим қолган, ҳимиллаган нозим қолган, бўйи етган қизим қолган, айниқса тулки олар тозим қолган, ҳаммаси қолса ҳам майли эди, икки қобоқ носим қолган», — деб турибди. Гўрўғли айтди: «Сизлар билмасанглар мен бир нарса дейин, маъқул бўлса маъқул, бўлмаса номаъқул денглар. Биз тикка

подшонинг қошига борамиз, ўзимизни Оқтош мамлакатидан деб танитамиз. Оқтош подшоси Шоҳносхоннинг ўғли Шоҳнодир бек Соқи бўлади. Биз унинг навкарлари бўламиз. Биз бу воқеаларни эшитиб, Гўрўғли билан таъриф бўлгани келдик деб айтамыз». Гўрўғлининг гапи ҳаммага маъқул бўлди. Соқибекни кийинтирди, Фирни лойга овнатиб чўбир қилди. Гўрўғли қирқ чилтон берган оқ ва қизил парларни олиб қизилини бетига суртиб ўн саккиз яшар йигит бўлди. Кунчиқар маҳалда оқ байроқ кўтариб подшо лашкарларининг қошидан чиқди. Соқчилар тўхтатиб гап сўраган эди, Соқибек дағдага қилиб подшонинг чодирини сўради. Лашкарлар булар ҳам биздан экан деб, подшонинг чодирини кўрсатиб юборди. Подшо катта оқ чодирда экан, чодир устига олтиндан бургут расмини илдириб, олти юз навкарга кўритиб турган экан. Соқибек ҳам, қирқ йигит ҳам отдан тушди. Бек Соқи навкарларга отини ушлатиб, кўкрагига қўлини қўйиб, боргунча саккиз марта таъзим қилиб, салом бериб турди. Шунда Гапсаршоҳ Соқибекка қараб, нима учун келганини сўраб турди:

Салом бердинг, алик олдим тилимдан,  
Қаҳрим келса ҳар иш келар қўлимдан,  
Сен қаердан келдинг қўрқмай ўлимдан,  
Уйнаб-ўсган элатингни сўрайман.

Тов бошида ўсган лола гулисан,  
Қаердаги одамзоднинг хилисан,  
Қайси подшо, қайси хоннинг ўғлисан,  
Уруғингни, аймағингни сўрайман.

Қирқ йигитинг бари алпдай қовматли.  
Шу йигитлар бир подшонинг давлати,  
Бошинг кетар агар қўшсанг ғийбатди,  
Қайси элда беклигингни сўрайман.

Бедовларинг суйриқ-суйриқ бўйи бор,  
Майдон бўлса чапараста тўйи бор,  
Йигитларинг ҳар бирининг ўйи бор,  
Қайси жойда ботирлигингни сўрайман.

Гапинг ёлғон бўлса чини топилар,  
Гавдаларинг кундаларда чопилар,

Бу жейларда топилмайди гофиллар,  
Ростин айтсанг аҳволнинг сўрайман.

Гўрўгли бўб ҳийла билан келдингма,  
Бу ҳийлага кўнаримди билдингма,  
Билмайди деб менга салом бердингма,  
Бу гапингнинг ёлғон-чянин сўрайман.

Бу гапларни Соқибек эшитиб, бувини титраб, эси  
кетиб, нима деярини билмай, калласи гангиб, Гўрўгли-  
га кўз ости билан қаради. Қараса, Гўрўглининг қаҳри  
келиб, кўзи ловиллаб ёниб турганини, қирқ йигитнинг  
сесканмай турганини кўриб, ўзига далда бериб, под-  
шога қараб: «Аё, подшом, гапирмайман ёлғонди, жин-  
ли бўлай айтсам чинди, қулоқ солнинг энди, ёлғон бўлса  
сўзим, ўчсин босган изим, сизни кўрмасин кўзим, бур-  
далаб есин тозим, Оқтош элидан келдим, Шоҳнодир-  
ман ўзим»,— деб бир сўз айтиб турибди:

Кеча-кундуз шабкар тортиб келаман,  
Мард кишига танда жоним бераман,  
Шаҳримнинг отидир қалъаи Оқтош,  
Номи кетган бу Оқтошдан бўламан.

Икки товнинг суянчиги, белиман,  
Икковининг ардоқлаган улиман,  
Отамнинг отидир қайтмас Шоҳносхон  
Шу султоннинг Шоҳнодирбек ўғлиман.

Бир гулнинг ишқида бағри пораман,  
Нима бўлса тақдиримдан кўраман,  
Ёлғони йўқ, ростин айтай, султоним,  
От чарчатиб Қолдустонга бораман.

Қолдустондан савдогарлар келибди,  
Бир кеча шаҳримда суқбат бўлибди,  
Шу шаҳардан бир расмини кўрсатиб,  
Эсим кетиб, ақли-ҳушим олибди.

Ҳар кимнинг кейтида бўлсин огаси,  
У шаҳарнинг Гапсаршоҳдир эгаси,  
Санамнинг отидир Гулисаиобар,  
Ой қиз бўлса унинг олтин чечаси.

Қол, деса майли, шаҳрида қоламан,  
Отаси олдида хизмат қиламан,

**Кизин бермай менга жабр айласа,  
Бошми тутиб танда жоним бераман.**

**Пулдан ўтиб бунда кўрдим лашкарлар,  
Лашкарлардан олай дедим бир хабар,  
Айб деманг келганимни, султоним,  
Армон қилар ҳар ким юрса беҳабар,—**

деб қовматини алиф-лом қилиб, бошини ҳам қилиб, Гўрўглига кўз ости билан қаради. Гўрўглининг баҳри очилиб турганини кўриб, «Зап яхши гапирдим-да», деб турди. Соқибек Қолдустон шоҳи ва Гапсаршоҳни қирқ йигит билан гурунглашиб турган даврида Аваздан эшитган эди. Подшо бўлса, қизи бордир-да, деб таваккал қилиб, Гулисанобар деб айтиб юборди. Аввали подшо у шаҳарди билмайдди деди. Подшо бу гапларни эшитиб, Соқибекка қараб: «Бўй-бастли, ботир йигит экан, қизимга тенг бўлса бўлгудай экан, менга куёв бўлгудай экан, ақли-хуши жойида экан»,— деб, Соқибекка бирдан гап-сўзсиз ишониб, Соқини чодирга ўтиргизиб, олдига қанду асал қўйиб, шаънига қирқ кўй сўйиб айтди: «Эй Шоҳнодир, Гапсаршоҳ менман». Бу сўзни эшитиб Соқи йиқилаёзди ўзидан кетиб. Подшо айтди: «Мен ҳозир Гўрўгли билан шу қиз туфайли қаршиман. Агар Гўрўгли келса, уруш бўлса, шунда иш кўрсатсанг, сени куёв қилганим бўлсин».

Соқибек айтди: «Гўрўгли деганингиз Чамбилдаги ўғрими?»

— Ҳа,— деди подшо.

Соқи айтди:

— Агар шу Гўрўгли бўлса, унинг жаллоди бизмизда. Неча марта уруш қилганман, доим асир олганман кўзини жойига келтириб, уч ой олдимда дастийёрли қилдириб, жавоб берганман. У менинг олдимда тари (қ)ча йўқ, унга бунча лашкар не керак?

— Ҳозир менинг қўлимда ўғли Аваз, невараси Нурали асир ётибди. Улардан ҳазар қилиб ўлдиролмай турибман,— деди подшо.

Соқибек: «Уни эрта ўлдирмоқ керак, улар менга қон ёви»,— деб муртинни бураб қўйди. Шундай қилиб бу кеча суҳбат бўлиб ётди, эрта-мертан тонг отди. Бу гаплардан подшо гердайиб кетди. Икки дорни қурдирди, лашкарларни томошага жийдирди.

Дониш вазир овлоқ вақт тоғиб подшога қараб: «Э подшоим, бу келган йиғитларни Оқтошдан деб бўлмай



ди, девни зориллатган Гўрўгли бунга хизмат қилмайди, бунга хизмат қилса Гўрўгли бўлмайди. Ё булар асли Чамбилдан, ё бўлмаса бир мақтанчоқ шаҳардан»,—деди.

— Бўлмаса булар ким, буларни қандай биламиз,— деди подшо.

Вазир туриб айтди:

— Авазнинг кўзини очиб дорга олиб келамиз, буларни кўринадиган жойга қўямиз. Агар Авазнинг ранги ўзгарса ёки булар Авазга имо қилса, шундан биламиз. Ҳар бирининг кейтига ўн полвондан қўямиз. Агар билиб қолсак, ушла, деб имо қиламиз.

Бу гап маъқул бўлди. Авазга пешонама-пешона қилиб қирқ йигитни қўйди, кейтидан ўнтадан полвонни қўйиб, Авазнинг кўзини очиб, Нуралининг кўзини бойлаб олиб келишга буюрди. Жаллодлар борди, икковини ҳам чодирдан чиқариб, Авазнинг кўзини очиб, уриб, аямай муш(т)лаб, Нуралибекни ҳам тепиб ҳайдаб келаётир, буни Гўрўгли билан қирқ йигит кўраётир, ичи тутаб бораётир, лекин ранги ҳеч нарса кўрмагандай бўлаётир. Авазхон ҳам ўлимни бўйнига олиб, Нурали учун раҳми келиб, кўзини олайтириб лашкарларга қаради, пешонасида турган қирқ йигит билан Гўрўглини кўради, кўрмагандай бўлиб юзини буради. Ўзини излаб қирқ йигит билан хон Гўрўглининг келганига юраги тўлиб, кўзидан ёши тизилиб, йиғлаётган Нуралибекка қараб бир сўз айтиб турибди:

Қулоқ сол сўзима, ёлғиз фарзандим,  
Бу ғамликнинг бир шодлиги бўлмайма?  
Кўнгил бўшдир, йиғлатмагин қанотим,  
Биз йиғласак бунда душман кулмайма?

Минг шукурки, белда қувват бор экан,  
Ҳарб қилганда оқар сувлар қор экан.  
Биз йиғласак душман кўпдир, кулмайма,  
Кенг дунёнг ёмонларга тор экан.

Қаҳрига учади товларнинг қуши,  
Қадрима тўкилар кўзимнинг ёши,  
Кенг дунё шу бугунда тор экан  
Ўлим учун йиғлармикан мард киши?!

Ҳали билагимда бордир дармоним,  
Сенсан қўзим, менинг даври-давроним.  
Бир ўлим бор, писанд қилмас мард киши,  
Энди ўлсам оламда йўқ армоним.

Сен йиғласанг менинг кўнглим бузилар,  
Майдон бўлса танадан бош узилар,  
Ғамли кунда ким силарди бошимни,  
Энди исфиҳоним кўкка чўзилар.

Бу сўзларни Нурали эшитиб, Авазнинг гапига тушун-  
маса ҳам ўзига далда бериб турди. Қирқ йигит билан  
Гўрўғли ҳам ичида куйиниб, бир-бирига кўз ости билан  
қараб, билдирмасликка олиб турди. Аваз билан Нурали-  
ни икки дорга олиб борди, Нуралининг ҳам кўзин очиш-  
ни буюрди. Шунда Дониш вазир чиқиб Нуралибекка қа-  
раб: «Нима дер экан»,— деб бир сўз айтиб турди:

Нурали, қулоқ сол айтган тилима,  
Рози бўлсанг озод айлай ўзингди.  
Фарзанд бўлиб мададкор бўл ўзима,  
Гапга кўнсанг озод айлай ўзингди.

Гапга кўнсанг мен берайин боримди,  
Хазинамда қатор-қатор заримди,  
Элатимди, бахтимдаги боримди,  
Майли десанг озод айлай ўзингди.

Гапга кўнсанг элатимга борасан,  
Шаҳзодасан, бориб подшо бўласан,  
Агар севсанг бир парини оласан,  
Бошинг эгсанг озод айлай ўзингди.

Сен кўнмасанг бу жаллодлар шошилар,  
Сен кўрасан, отанг боши кесилар,  
Ундан сўнгра сенинг бовринг эзилар,  
Рози бўлсанг озод айлай ўзингди.

Нурхон деди:

Кимга айтай сўзимди,  
Ҳар гўлликка солаберма ўзингди,  
Бу сўзларни келиб менга айтгунча  
Бошим кесиб сойга отгин лошимди.

Синамаган сувга асло кечмайман,  
Пари келиб, шароб берса ичмайман,  
Бошинг ирғаб сўзлай берма, эй жаллод,  
Бошим кесгин, Чамбилимдан кечмайман.

Энди нима қилсанг, жаллод, қил энди,  
Қиличингди яланғочлаб кел энди.  
Хон Гўрўгли кенг Чамбилдан келганда  
Бир бошингдан ўларингди бил энди.

Бир кун келар қирқ йигити ажлаҳор,  
Ҳасан чопсан, Ҳасан кўлбар зўри бор,  
Дунёнинг лашкарини бир қилсанг,  
Бўяолмайсан улар билан баробар.

Менинг учун оқар сувинг қон бўлар,  
Кенг дунёнинг ана шунда танг бўлар,  
Нима эди, эй жаллодлар, гуноҳим,  
Сенга бало бўладиган жанг бўлар.

Мен қайтмайман айтадиган сўзимдан,  
Не бир шерлар келар менинг изимдан,  
Бу фалокат, ота, мендан бошланди,  
Нима бўлса рози бўлгин ўзимдан.

Бек бобомни ўларимда кўрмадим,  
Ғамхўр энам розилигин олмадим,  
Чамбилимда ўйнаб ўсган дўстларман  
Бир дам туриб, кулиб давра қурмадим.

Бу сўзлардан кўзига ёш келади,  
Атрофида душманларга қаради.  
Қирқ йигитнинг ўртасида Гўрўгли,  
Қўли исфиҳонга пастлаб боради.

Боғ ичида мева солар қорали,  
Емон кунда юрак бўлар ярали,  
Хон Гўрўгли исфиҳонди ушлади,  
Бобожон, деб ўзин отди Нурали.

Чуҳ, деб тақим қоқди тулпор Фиротди,  
Ун жаллодни кўз очгунча нуратди,  
Ердан илиб олди Нурхон фарзанди,  
Дорини сугриб душманга отди.

Авазни Соқибек илиб олади,  
Қирқ йигит тўдани ёриб боради,  
Душманлар эсини ўнглаб олгунча,  
Жунхайнинг боврига тортиб жўнади.

Ана Гавсарнинг эси кетиб, Донишнинг қулоғи битиб, ўлмай қолганини энди билиб, лашкарларга қув, деб қичқира беради. Лашкарлар ҳам сап-сап, лўнда-лўнда, жум-жамалоқ бўлиб, сардорлари бош бўлиб, қўйма, ҳа қўйма, дейишиб қувиб бораверди. Қирқ йигит билан Гўрўғли урушга қулай жой топиб, отларни тўхтатиб, отдан тушиб, бир-бири билан кўришиб, отларнинг белини тортиб, уруш анжомини қўйиб турганда, Аваз Фиротни Гўрўғлидан сўради. Гўрўғли: «Эй Аваз, мен отдан тушмайин деб қасам ичганман. Сен Тўлакнинг отини мин», — деб Нурхон билан Тўлакни қолдириб, отларнинг бошини ёвга қаратиб, тов устидан аста-аста туша бошлади. Душманлар ҳам буни кўриб, саф-саф бўлиб бир-бирига ўргатиб тура берди. Чамбилнинг бедовлари ҳам товнинг такасидан бўлиб, тошдан-тошга ирғиб, ёли ялпилаб, кокили селпилаб, ўйнаб диркиллаб, устидаги мардларнинг олди-кейти жолтиллаб, қовоғи уйилиб, кўзига қон қуйилиб келаберди. Ана шунда Гўрўғли йигитларига қараб бир сўз деб турибди:

Йигитлар, қулоқ сол айтган сўзима,  
Бир келади, икки келмас одамзод,  
Тингланглар, йўлбарслар, айтар тилима,  
Эр йигитдан ҳам от қолсин ҳамма зот.

Одам деган бир туғилар онадан,  
Мард туғилар доим элнинг бахтига.  
Ёмон шоҳ чиқади ёриб танадан,  
Ёмонликни тилаб биров тахтига.

Аё беклар, бунда майдон бўлибди,  
Душман кўпдир, бизга тараф турибди,  
Юз қайтарманг беклар, келган душмандан,  
Бу майдонда кимга худо берибди.

Қўрқоқ одам кўзин очмай ўлади,  
Ботир одам ўнин бирдан чалади.  
Қўрқоқ бўлмай ботир бўлинг, бекларим,  
Ботир одам ҳар офатдан қолади.

Тайла Аваз, Асад билан Шодмоним,  
Холиёрим, уррадаган чаққоним,  
Душман кўп деб ҳаёлингга келтирма,  
Тикка тайла қирқта сардор, чаққоним.

Урралади сардорлар,  
Энди дикка тайлади.  
Остидаги бедовлар  
Қамчи тиймай ўйнади.

Урралади сўзма-сўз,  
Душман билан кўзма-кўз,  
Яқинлашиб боради,  
Энди бўлди юзма-юз.

Милтиқлар таққа-таққа,  
Қирқ сардор якка-якка,  
Чапараста тайлади,  
Оралаб кетди тикка.

Бекларнинг кўнгли тўқди,  
Писанд қилмайди ўқди.  
Урралашиб сермашар,  
Шар-шарлатиб қон тўқди.

Ернинг усти бузилди.  
Исфиҳонлар чўзилди,  
Неча-неча полвоннинг  
Тандан жони узилди.

Қирқ сардор якка-якка,  
Қон сачради фалакка,  
Дара билан даралар  
Тўлиб борар ўликка.

Ол байроқлар пириллаб,  
Ашрафи тўплар ариллаб,  
От устидан не шерлар,  
Пастга тушар чириллаб.

Не бир шерлар ҳайқириб,  
Бир-бирини чақириб,  
Саврдаги селдай бўб,  
Қонлар оқди шарқираб.

Мардлар жондан кечгандай,  
Қондан шароб ичгандай,  
Ялтиллади исфиҳон  
Қўқдан юлдуз учгандай.

Қонлар селдай бўб оқди,  
Нечовларди об кетди,  
Ўлдимлашган товушга  
Қулоқлар битиб кетди.

Нўлат абдал найзалар,  
Синиб борар белидан,  
Ялтиллаган исфиҳон  
Тушиб борар қўлидан.

Эгаси ўлган отлар  
Кишнаб чиқиб боради.  
Менман деган не шерлар  
Гапиролмай нуради.

Бир-бирини билмайди,  
Сен қаёқдан демайди,  
Аямай қилич солар,  
Ўлса ўлдинг демайди.

Ким ўлдию, ким қолди,  
Сувсиз чўл чангиб қолди,  
Шер ҳайқириб тайлади,  
Қўрқоқлар гангиб қолди.

Кенг кўкракли полвонлар  
Тайлар майдон ичинда.  
Мақтанчоқлар, қўрқоқлар  
Ииғлар майдон ичинда.

Зап боқилган бедовлар  
Қон кечди майдон ичинда.  
Қалта бўйин, тор биқинлар  
Ииқилди майдон ичинда.

Ҳай-ҳайлади Гўрўгли  
Оқар сувдай шарқиллаб,  
Остидаги Фироти  
Қуландай бўб диркиллаб.

Ҳар қилични сермаса  
Ўн бош кўкка чўзилар.  
Қиличнинг шамолига  
Товлар боши бузилар.

Шариллатиб сермаса,  
Ҳаё тутаб боради.  
Душманларнинг танасин  
Тинмай путаб боради.

Қизил қонга бўялди  
Осмондаги булутлар.  
Лошга тайлаб жўнади  
Тов бошида бургутлар.

Султон қилич сермаса,  
Гавдираб бош узилар.  
Улмагани ўлдимлаб,  
Ерга тайлаб чўзилар.

Қаранг-да Аваз мардди,  
Ширпа-шип қилич тордди.  
Қаранг, Ҳасан полвонди,  
Ушласа кўкка отди.

Асад билан ҳам Шодмон  
Тани қўймайди омон.  
Найзага илиб отар  
Соқи ҳамда бек Чаққон.

Қирқ йигитнинг зарбига  
Товлар тутаб боради.  
Товда не бир арчалар  
Парра ёниб боради.

Товуш тингандай бўлди,  
Душман қўнгандай бўлди.  
Ўлдимлашиб жўнади,  
Беклар енггандай бўлди.

Қўймалашиб сардорлар  
Энди қувиб боради.  
Подшо билан вазирни  
Ўзни тениб боради.

Алқисса, душманлар қочиб жўнади, ўлдимлашиб боради, нечовлари бўйин эгиб таслим бўлади, қирқ йигит куйманиб душманнинг олдини олади, қўрққанидан кўзи жилтайган, барини таслим қилиб, қурола, яроғини олиб, подшо билан вазирни ҳам қўрқиб таслим бўлиб,

беш юз вазири, уламолари, сардорлари билан султонга таъзим қилиб отдан тушди. Гўрўғли чодир қуриб Гапсарни олиб келишни буюрди. Гапсаршоҳни олиб келди. Гўрўғли сиёсат билан турди. Гапсарнинг эси кетиб, қирқ марта таъзим қилди. Гўрўғли ўтиришга рухсат бериб, нима учун Аваз билан Нуралини банди қилганини сўради. Шунда Гапсаршоҳ: «Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтайин»,— деди. Гўрўғли: «Айт»,— деди. Гапсаршоҳ бўлган воқеаларнинг ҳаммасини айтиб берди.

Гўрўғли айтди:

— Энди қизингни Нуралибекка берасанми?

Гапсаршоҳ рози бўлди ва гуноҳини кечирешини сўради. Гўрўғли гуноҳини кечириб, никови шу ерда қуда бўлди. Гапсаршоҳ туриб:

— Э қуда, тўйни қаерда қиламиз? Е қизни шу ерда олиб келтирайинми?— деб жолтанглаб, тахтимдан айирса қайтаман, деб эси кетиб қуллуқ қилиб турди. Шунда Гўрўғли:

— Овв, подшо, аввал шахрингни кўрамиз, томоша қиламиз,— деб жойидан туриб, от-отиға мининглар, деб фармон бераётир, ҳамма от-отга минаятир. Гўрўғли қараса, Аваз отга минолмай турибди.

— Аваз, отга мин,— деган эди, Аваз айтди: «Эй султон, минишга дармоним йўқ. Олдин ҳам жанг бўлган эди, ноҳосдан бир-икки ўқ теккан эди, шул оғриб турибди». Гўрўғли Соқибекка «кўр», деб буюрди. Соқи Авазнинг яраларини кўриб, эси кетиб, мардлигига қойил қолиб, дори қўйиб, устидан боғлаб отга миндирди.

Сардорлар билан аскарлар, подшолар билан вазирлар бир бўлиб Қолдустон шахрига борди. Гўрўғли айтди:— Энди қизингни тўй қиламиз.

Гапсаршоҳ жойидан туриб таъзим қилди ва:

— Эй султоним, бунни қизинг ўзидан сўраш керак, бизнинг қадамиз<sup>1</sup> шундай. Олдига ҳар ким бора олса тийишга рози бўлади,— деди.

Гўрўғли:

— Бўлмаса олиб бор,— деди. Кўшкига олиб борди. Султоннинг ҳам эси кета берди. Шунда чалтонларга сўғиниб, ўзига далда бериб, охири кўшкига етиб қиздан: «Келин бўласанми?»— деб сўради. Шунда Гулисанобар, сонсиз канизни бор, дутор бўйин, бели тор, баданлари қордай оппоқ бурилиб, рўмолини қия қўйиб, султонга қараб бир сўз айтиб турибди:

<sup>1</sup> Қадамиз — одатимиз.



Ассалому алайкум Чамбилнинг хони,  
Бу сўзларга рози бўлмай бўларми?  
Бевақт чиқмасин одамнинг жони,  
Аждаҳардан одам қўрқмай бўларми?

Отларни чарчатар товларнинг ўри,  
Бизларга аёндир бу гаплар сири,  
Мен йўқ десам отам тахтдан айрилар,  
Сомонга тўлади бу нозик тери.

Товларнинг бошлари қуюқ тумана,  
Эртанги ишлар ҳам бугун гумона.  
Ҳар нарсага мен розиман, султоним,  
Элатима энди бўлсин омона.

Мен найлайин тақдиримда кўраман,  
Чамбил бўлса, майли Чамбил бораман.  
Мен розиман, тўйни берсин элима,  
Нурхон билан майли бирга юраман.

Қизларим ҳам қилар бугун хизматди,  
Бирдам туриш ҳаммага ғаниматди.  
Нурхон рози бўлса мен ҳам розиман,  
Яхши йигит бир санамга давлатди,—

деб жавоб берди.

Қирқ кеча-қирқ кундуз тўй бўлди. Қарнай-сурнай, ноғора-нағма, ўйин-кулги, шоду хуррамлик бўлаётир. Нуралибек ҳам куёвтўра бўлиб, келиннинг қўйнига кираётир, Гўрўғли эрталаб Гапсаршоҳдан дур олаётир, қирқ йигит от-отига минаётир. Келинни бир нортуяга миндириб, жами қизлар бияга миниб, келиннинг сепи бир юз саксон туяга юк бўлиб жўнай берди.

Гулисанобар ҳам ота-онаси билан хўшлашиб, кўзига ёш келиб, келиннинг қадасини қилиб, шўрқ-шўрқ йиғлаётир. Элатлари — ёши, мўйсафиди, қизи, момоси, ҳаммаси қўл очиб: «Борган жойнинг давлатли бўлсин, ризқи рўзинг кўп бўлсин»,— деб дуо қилди.

Ана энди хўшлашиб, ҳайю-ҳайт деб Чамбилга жўнаб кетди, кеча-кундуз йўл тортиб Асқарга етди. Асад билан Шодмон суюнчига кетди. Иккови Чамбилга оралаб, «суюнчи бер» деб бақираётир:

Чиқ уйингдан, Мисқол момо,  
Тўлиб-тошиб бобом келди.

Югуриб чиқ, Юнус момо,  
Кўп соғиниб бобом келди.

Ой Узумкўз, эртароқ чиқ,  
Келин олиб улинг келди.  
Улинг бўлса майли эди,  
Совға олиб чолинг келди.

Суюнчингни мен кўрайин,  
Яхши бўлса мен олайин,  
Ёмон бўлса не қилайин,  
Ўзингга қайтиб берайин.

Эй, Гулисора, бер суюнчи  
Эсон-омон ёринг келди.  
Гулирухсор сен ҳам қара,  
Мана мендай Шодмон келди,—

дейишиб қичқириб бораётир, ўз уйдан ҳам суюнчи олаётир, Чамбилнинг халқи жам бўлиб, ботирларнинг олдига жам бўлиб чиқаётир. Ботирлар ҳам келиб, бир-бири билан қучоқлашиб кўришаётир. Узумкўз ҳам Нуралини қучоқлаб, искаётир, келинининг ҳам кўнглини олаётир. Келинини олиб бориб ўтовга киритди. Қирқ кеча-кундуз тўй бўлди. Кўпкарилар чопилиб, чавандозлар бойиб қолди, камбағаллар тўйиб қолди, достонимиз охир бўлди. Айт десангиз ҳам қирқ дoston қолди, ҳамма мурод-мақсадига етди. Сизу биз ҳам мурод-мақсадга етайлик, бир оғиз хулоса этайлик:

Қодир бахши айтдим толиб,  
Яхшилардир доим ғолиб.  
Малик Мурод, Абдиолим,  
Вэди узоқ йўлдан келиб.

Шундай шодлик замон бўлсин,  
Элу юртим омон бўлсин.  
Замин тинчу барча миллат  
Бир-бирига меҳмон бўлсин.